

O'ZBEKISTON TO'QIMACHILIK JURNALI



Certificate

3
2021

Ilmiy-texnikaviy jurnal

Bosh muharrir:

I.K.Sabirov

Bosh muharrir o'rinbosari:

A.E.Gulamov

Mas'ul kotib:

K.R.Avazov

Tahririyat hay'ati:

H.Alimova

A.P.Parpiyev

Q.Jumaniyazov

X.H.Kamilova

B.M.Mardonov

A.Z.Mamatov

I.A.Nabieva

A.K.Usmankulov

A.D.Daminov

O.A.Axunbabayev

X.T.Axmedxodjaev

D.M.Muhamedova

S.Sh.Tashpulatov

P.N.Rudovskiy (Rossiya)

R.O.Jilisbaeva (Qozog'iston)

F.U.Nigmatova

M.M.Muqimov

A.J.Jo'raev

HuWeilin (Xitoy)

Wang Hua (Xitoy)

Sh.R.Umarov

N.R.Xanxadjayeva

A.F.Plexanov (Rossiya)

I.V.Chernunova (Rossiya)

V.V.Kostileva (Rossiya)

Y.I.Bitus (Rossiya)

Li Minxi (Korea)

A.V.Safonov (Russia)

Dayva Sajek (Litva)

Tahririyat manzili:

100100, Toshkent sh., Shohjahon ko'chasi, 5

Tel: (71) 253-06-06, (71) 253-19-59.

www.tju.uzsci.uz

e-mail:

textilejournalofuzbekistan@bk.ru

Ushbu jumalda chop etilgan materiallar tahririyatning yozma ruxsatisiz to'liq yoki qisman qayta chop etilishi mumkin emas. Tahririyatning fikri mualliflar fikri bilan har doim ham mos tushmasligi mumkin. Jumalda yoritilgan materiallarning haqqoniyligi uchun maqolalarining mualliflari va reklama beruvchilar mas'uldirlar.

2002 yildan
nashr etiladi

yiliga 4 marta
chop etiladi

MUNDARIJA

TO'QIMACHILIK XOMASHYOLARI TEXNOLOGIYALARI

- D.D.Eshmurodov, M.T.Xodjiyev, A.M.Salimov**
Separatorda paxta xomashyosi sifatiga ta'sir qiluvchi omillarni o'rganish 4
- R.SH. Sulaymonov, M.X.Axmedov, T.O.Tuychiyev**
Arrali jin ishchi kamerasi profilining uskunaning texnologik ko'rsatkichlariga ta'siri 12
- A.P. Parpiyev, E.X. Berdanov, S.Saidbekova, M.Shoraxmedova**
Takomillashtirilgan UXK tozalash oqim liniyasida iflosliklarning harorati va tozalash samaradoligini o'zgarishi 19
- A.Parpiyev, K.Yakubov, I.Ismoilov, S.Saidbekova**
Barabanda paxta komponentlarini qurish bir tekisligini tahlili 26
- Ergashov M., Dremova N.V., Nurullayeva X.T.**
Algoritmi otsenki vliyaniya vzaimodeystviya i otrajeniya prodolnix voln ot poverxnosti rabochego organa 31

TO'QIMACHILIK MATERIALLARI TEXNOLOGIYALARI

- A.Abdusattarov, B. Boymuratov, A.Murodov**
Qovushqoq-elastik xususiyatlarini hisobga olgan holda ip va to'qimalarning shikastlanish qobiliyatini va uzoq muddatli mustahkamligini aniqlash 40
- A.R.Tulyaganov, I.I.Garibyan, SH.I.Karimov**
Boshqa kataliztlarning o'zgartirilgan tokmalar sifatiga tasiri 48
- N.Z.Saydaliyeva, D.B.Xudayberdiyeva, V.D. Xamidova, M.To'xtaboyeva**
Modifikatsiyalangan paxta tolali matoning IK-spektral taxlili 54
- S.D.Komilova¹, M.Zh.Tashkenbekova¹, S.R.Kamalova²**
Pillakashlik sanoati chiqindilardan serizin ajratib olish jarayonini o'rganish 60
- M.A. Xakimova., M.Qulabdullayeva, A. Eshmirzayev., B.X Baymurotov**
Ipak iplari tarashining orqaga qaytarish tezligidan o'zgarishi 67

QOG'OZ BA MATBAA TEXNOLOGIYALARI

- A.A.Djalilov** Sintetik tolalar qo'shilgan kompozitsion qog'ozlar va nusxalarning IK spektroskopik tahlili 75
- S.R.Kamalova, D.I.Abdirahmanova**
Ranglarning tizimlashtirilishi va miqdoriy bayon qilish uchun rang modellari 82
- S.R.Kamalova, SH.B.Tashmuxamedova, N.J.Sadriddinova**
Fleksografik bosma usulida tayyorlangan nusxalarning rang kontrastini baholash 88

TIKUVCHILIK SANOATI TEXNOLOGIYASI VA DIZAYNI

- M.K. Rasulova, G.S. Orzikulova, M.M. Tulkunova**
Ortopedik kasalligi bor yosh bolalarga kiyim loyihalashning o'ziga xosligi 94
- CHARM VA POYABZAL SANOATI TEXNOLOGIYALARI**
- SH.O.Boymanov, T.J.Qodirov, J.SH.Azimov, N.A.Sodiqov** Interpolikompleks birikma yordamida qunduz terilarini oshlash tadqiqoti va uning xossalari 102

- Ismatullayev I.N., Ulugmuratov J.F., Islomov Z.SH., Kenjayev A.S., Muxammadusmonov S.J., Mirzayev N.B., Begaliyev X.X.**
Tuyaqush charmi ishlab chiqarishda ivitish-kullash jarayonlarini tadqiq qilish 107

TO'QIMACHILIK SANOATIDA FUNDAMENTAL FANLAR

- J.M.Begatov, K.G.Baxodirov, A.A.Muxamedov**
Kimyoviy va termik ishlov berish jarayonida 4xmf5, 4kh5mf1s po'latlarining tuzilishiga sondürme va temperleme haroratining ta'siri 114
- D.A.Xalmatov, N.N.Ashirqulovna, S.X.Yuldashev, S.U.Umirzakov**
O'zgaras tok mashinasining tezligini mikrokontroller yordamida o'zgartirib boshqarish va matlab dasturida tadqiq etish. 122

ТЕКСТИЛЬНЫЙ ЖУРНАЛ УЗБЕКИСТАНА



Certificate

3
2021

Научно-технический журнал

Издается
с 2002 года

4 раза
в год

Главный редактор
И.К.Сабиров
Заместитель главного редактора
А.Э.Гуламов
Ответственный секретарь:
К.Р.Авазов
Редакционная коллегия:

Х.Алимова
А.П.Парпиев
К.Жуманиязов
Х.Х.Камилова
Б.М.Мардонов
А.З.Маматов
И.А.Набиева
А.К.Усманкулов
А.Д.Даминов
О.А.Ахунбабаев
Х.Т.Ахмедходжаев
Д.М.Мухамедова
С.Ш.Ташпулатов
П.Н.Рудовский (Россия)
Р.О.Жилисбаева (Казахстан)
Ф.У.Нигматова
М.М.Мукимов
А.Ж.Джурасев
Ху Вэйлинь (Китай)
Ванг Хуа (Китай)
Ш.Р.Умаров
Н.Р.Ханхаджаева
А.Ф.Плеханов (Россия)
И.В.Черунова (Россия)
В.В.Костилова (Россия)
Е.И.Битус (Россия)
Ли Минхи (Корея)
А.В.Сафонов (Россия)
Дайва Сажек (Литва)

Адрес редакции:
100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5.
Тел: (71)253-06-06, (71)253-19-59.
www.tju.uzsci.uz
e-mail:
textilejournalofuzbekistan@bk.ru

Материалы, опубликованные в настоящем журнале, не могут быть полностью или частично возведены без письменного разрешения редакции. Мнение редакции не всегда совпадает с мнением авторов материалов. За достоверность сведений, представленных в журнале, ответственность несут авторы статей и рекламодатели.

ОГЛАВЛЕНИЕ

ТЕХНОЛОГИЯ ТЕКСТИЛЬНОГО СЫРЬЯ

Д.Д.Эшмуродов, М.Т.Ходжиев, А.М.Салимов	
Исследование факторов, влияющих на качество хлопка в сепараторе.....	4
Р.Ш. Сулаймонов, М.Х. Ахмедов, Т.О.Туйчиев	
Влияние профиля рабочей камеры пыльного джина на технологические показатели машины.....	12
А.П. Парпиев, Э. Берданов, С.Сайдбекова, М.Шорахмедова	
Изменения температуры загрязняющих веществ и эффективности обработки в усовершенствованной поточной линии обработки УХК.....	19
А.Парпиев, К.Якубов, И.Исmoilов, С.Саидбекова	
Анализ плоскости конструкции хлопковых компонентов барабана.....	26
Эргашов М., Дремова Н.В., Нуруллаева Х.Т.	
Алгоритм оценки влияния взаимодействия и отражения продольных волн от поверхности рабочего органа.....	31

ТЕХНОЛОГИЯ ТЕКСТИЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ

А.Абдусаттаров, Б. Бонмуратов, А.Муродов	
К определению повреждаемости и длительной прочности нитей и тканей с учетом вязкоупругих свойств.....	40
А.Р.Туляганов, И.И.Гарибян, Ш.И.Каримов	
Влияние некоторых катализаторов на качество модифицированных тканей.....	48
Н.З.Сайдалиева, Д.Б.Худайбердиева, В.Д. Хамидова, М.Тухтабоева	
ИК-Спектральный анализ модифицированной хлопчатобумажной ткани	54
С.Д.Комилова, М.Ж.Ташкенбекова, С.Р.Камалова	
Изучение процесса выделения серицина из отходов кокономотального производства	60
М.А.Хакимова, М. Кулабдуллаева, А. Эшмирзаев, Б.Х.Баймуратов	
Изменение натяжения шелковых нитей от скорости перематывания	67

ТЕХНОЛОГИЯ БУМАГИ И ПЕЧАТИ

А.А.Джалилов	
ИК-Спектроскопический анализ композиционных бумаг и оттисков с введением синтетических волокон	75
С.Р.Камалова, Д.И.Абдирахманова	
Систематизация и цветовые модели количественного описания цветов.....	82
С.Р.Камалова, Ш.Л.Б.Ташмухамедова, Н.Ж.Садриддинова	
Оценка цветового контраста оттисков, отпечатанных флексографическим способом печати.....	88

ТЕХНОЛОГИЯ ШВЕЙНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И ДИЗАЙНА

М.К. Расулова, Г.С. Орзикулова, М.М. Тулкунова	
Особенности проектирования одежды для детей раннего возраста с ортопедическими заболеваниями.....	94

ТЕХНОЛОГИЯ ОБУВНОЙ И КОЖЕВЕННОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ


Ш.О.Бойманов, Т.Ж.Кодиров, Ж.Ш.Азимов, Н.А.Содиков	
Интерполикомплекс комплексное исследование развития красоты кожи и ее свойств... ..	102
Исматуллаев И.Н., Улугмуратов Ю.Ф., Исломов З.Ш., Кенжаев А.С., Мухаммадусмонов С.Ю., Мирзаев Н.Б., Бегалиев Х.Х.	
Изучение процессов коагуляции при производстве кожи страуса.....	107

ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ НАУКИ В ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Ж.М.Бегатов, К.Г.Бахадиров, А.А.Мухамедов	
Влияние температуры закалки и отпуска на структурообразование сталей 4хмфс, 4х5мф1с при химико – термической обработке.....	114
Д.А.Халматов, Н.Н.Аширгулова, С.Х.Юлдашев, С.У.Умирзаков	
Изучение скорости машины постоянного тока с помощью микроконтроллера и в программе Matlab.....	122



Certificate



Scientific – technical journal

founded
in 2002Publishing
4 times per year**Editor in chief:**

I.K.Sabirov

Deputy editor in chief:

A.E.Gylamov

Executive secretaries:

K.R.Avazov

Editorial board:

H.Alimova
A.P.Parpiyev
Q.Jumaniyazov
X.H.Kamilova
B.M.Mardonov
A.Z.Mamatov
I.A.Nabieva
A.K.Usmankulov
A.D.Daminov
O.A.Axunbabayev
X.T.Axmedxodjaev
D.M.Muhamedova
S.Sh.Tashpulatov
P.N.Rudovskiy (Rossiya)
R.O.Jilisbaeva (Qozog'iston)
F.U.Nigmatova
M.M.Muqimov
A.J.Jo'raev
HuWeilin (Xitoy)
Wang Hua (Xitoy)
Sh.R.Umarov
N.R.Xanxadjaeva
A.F.Plexanov (Rossiya)
I.V.Chernova (Rossiya)
V.V.Kostileva (Rossiya)
Y.I.Bitus (Rossiya)
Li Minxi (Korea)
A.V.Safonov (Russia)
Dayva Sajek (Litva)

Address:

Street, 5 Shokhjakhon,
Tashkent, 100100

Phone: (71) 253-06-06,
(71) 253-19-59.

www.tju.uzsci.uz

e-mail:

textilejournalofuzbekistan@bk.ru

The materials published in this journal, cannot be full or in part reproduced without the written sanction of edition. The opinion of edition not always coincides with opinion of authors. For reliability of data submitted in journal, the responsibility is carried by articles authors and advertisers

CONTENTS**TECHNOLOGIES OF TEXTILE RAW MATERIALS**

- D.D.Eshmurodov, M.T.Xodjiyev, A.M.Salimov**
Research of factors affecting the quality of cotton in a separator..... 4
- R.Sh. Sulaimonov, M.Kh. Akhmedov, T.O.Tuychiev**
Influence of the camera profile of the saw jin on the technological indicators of the machine.. 12
- A.P. Parpiyev, E.X. Berdanov, S.Saidbekova, M.Shoraxmedova**
Change of temperature and cleaning effect in the improved flowline of cleaning UKHK..... 19
- A. Parpiev, K. Yakubov, I. Ismoilov, S.Saidbekova**
Barabande buttermilk componentlarini kurish bir tekisligini talili..... 26
- Ergashov M., Dremova N.V., Nurullaeva H.T.**
Algorithm for assessing the influence of interaction and reflection of longitudinal waves from the surface of the working body..... 31

THE TECHNOLOGIES OF TEXTILE MATERIALS

- A.Abdusattarov, B. Boymuratov, A.Murodov** Determination of damageability and long-term strength of threads and fabrics taking into account viscoelastic properties..... 40
- A.R.Tulyaganov, I.I.Garibyan, SH.I.Karimov**
Influence of some catalysts on the quality of modified tissue..... 48
- N.Z.Saydalieva, D.B.Khudayberdieva, V.D. Xamidova, M.Toxtaboeva**
IK-spectral analysis of modified cotton fabric..... 54
- S.D.Komilova¹, M.Zh.Tashkenbekova¹, S.R.Kamalova²**
Study of the process of isolation of sericine from waste of silk-winding production..... 60
- M.A. Xakimova, M. Qulabdullayeva, A. Eshmirzayev, B.X Baymuratov**
Variation of silk yarn shearing rate..... 67

PAPER TECHNOLOGY AND PRINTING

- A.A.Djalilov** IK- spectroscopic analysis of composite papers and printings with synthetic fibers 75
- S.R. Kamalova, D.I. Abdirakhmanova**
Systematization and color models of quantitative color description..... 82
- S.R.Kamalova, SH.B.Tashmuxeimedova, N.J.Sadriddinova**
Evaluation of the color contrast of flexographic prints..... 88

TECHNOLOGY GARMENT INDUSTRY AND DESIGN

- M.K. Rasulova, G.S. Orzikulova, M.M. Tulkunova**
Design features of apparel for early children with orthopedic diseases..... 94

TECHNOLOGIES OF THE SHOE AND LEATHER INDUSTRY

- SH.O.Boymanov, T.J.Qodirov, J.SH.Azimov, N.A.Sodiqov**
Interpolikompleks birikma yordamida qunduz terilarini oshlash tadqiqoti va uning xossalari.. 102
- Ismatullayev I.N., Ulugmuratov J.F., Islomov Z.SH., Kenjayev A.S., Muxammadusmonov S.J., Mirzayev N.B., Begaliyev X.X.**
Study of curing processes in the production of ostrich skin..... 107

BASIC SCIENCES IN THE TEXTILE INDUSTRY

- J.M.Begatov, K.G.Baxodirov, A.A.Muxamedov**
Influence of quenching and tempering temperature on the structure of 4xmf5, 4kh5mf1s steels during chemical and thermal processing..... 114
- D.A.Xalmatov, N.N. Ashirqulovna, S.X. Yuldashev, S.U. Umirzakov**
Studying the speed of a DC machine using a microcontroller and in Matlab..... 122

Д.Д.Эшмуродов, М.Т.Ходжиев, А.М.Салимов

Tashkent Institute of Textile and Light Industry, Gylstan State Universitet

Аннотация. Пневмотранспорт қурилмаларининг иш унумдорлиги пахта тозалаш корхонасининг қувватига қараб, ўзгариб туради. Уларнинг ўртача иш унумдорлиги 15 т/соатга тенг. Машина теримининг кенг қўлланилиши ва чигитли пахта ишлаб чиқаришининг ўсиши пахта тозалаш саноатининг олдида ишлаб чиқариш қувватини, ускуналарнинг иш унумдорлигини ва тайёр маҳсулот сифатини ошириш талабини қўймоқда. Ушбу масалаларни ечиш чигитли пахтани ташувчи пневмотранспортнинг ишлашига ҳам кўп тамонлама боғлиқ, чунки у пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнида биринчи ва асосий бўлиб ҳисобланади. Мақолада пахтани ҳаводан ажратувчи технологиялари таҳлил қилинди. Мақолада пахтани ҳаводан ажратувчи технологиялари таҳлил қилиниб назарий натижалар олинган. Ўтказилган назарий изланишлар асосида ресурс тежамкор пахтани табиий хусусиятларини сақлаб қолувчи такомиллашган сепараторни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар берилди.

Аннотация. Производительность пневмотранспорта варьируется в зависимости от мощности хлопкоочистительных предприятий. Их средняя производственная производительность составляет 15 т / час. Широкое использование машинного сбора и рост производства хлопка-сырца перед хлопкоочистительной промышленностью поставили такие требования, как увеличение производственных мощностей, производительности оборудования и качества готовой продукции. Решение этих проблем также во многом зависит от работы пневмотранспорта хлопка, так как этот процесс является начальным в технологическом процессе первичной обработки хлопка. В статье проанализирована технология отделения хлопка от воздуха и получены результаты теоретических исследований. На основании теоретических исследований были даны рекомендации по разработке ресурсосберегающего модернизированного сепаратора, сохраняющего природные свойства хлопка.

Annotation. Pneumatic conveying capacity varies depending on the capacity of the ginneries. Their average production capacity is 15 t / h. The widespread use of machine harvesting and the growth of raw cotton production have placed demands on the ginning industry to increase production capacity, equipment productivity and quality of finished products. The solution to these problems also largely depends on the work of the pneumatic conveyor of cotton, since this process is the initial one in the technological process of the primary processing of cotton. The article analyzes the technology of separating cotton from air and obtains the results of theoretical research. On the basis of theoretical studies, recommendations were given for the development of a resource-saving modernized separator that preserves the natural properties of cotton.

Keywords: Fibrous material, separator, air, chamber, Stripping, brush, friction force, hole, curvature, mesh, vacuum valve, quality.


Кирриш. Ҳозирги вақтда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари ташкил қилиниб, ресурс тежамкор ва замонавий техника ва технологиялар жорий этилмоқда. Фермер хўжаликларида пахта йиғим-терими сермехнат иш ҳисобланганлиги учун маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари жорий қилинмоқда. Пахтани машина теримининг кенг қўлланилиши ва сермехнат ишларни ишларни камайтириш имконини бериш билан бирга кейинги босқичда пахта тозалаш корхоналарида юқори унумли техника ва технологияларни жорий этилмоқда[1,2].

Ушбу масалалардан бири пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёндаги пневмотранспорт тизимини ва унинг таркибидаги қурилмаларни пахта хом ашёсини сифатига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш лозимдир[3,4]. Пневмотранспорт қурилмасининг самарадорлиги сепараторнинг ишлаш кўрсаткичларига кўп томонлама боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда пахта пневмотранспорт қурилмасида СС-15А сепаратори ҳам кенг қўлланилади (1-расм). У қуйидаги қисмлардан ташкил топган: камера 1, вакуум-клапан 6, рама 10 га маҳкамланган электро юритма 5. Ҳавони ажратиш камера 1да орқа девор яхлит пўлат туникадан тайёрланган, ён деворлари эса, ҳавонинг ўтиши учун 6 мм бўлган тешикли тўрли юзадан иборат [5].

Сепараторга қўйиладиган асосий талаблар бу пахтани табиий кўрсаткичларини сақлаган ҳолда, уни ҳаво оқимидан ажратиб олиш ва пневмоқурилманинг босимини минимал йўқотишлар билан бир маромда ишлашини таъминлашдир.

Тўрли юзани пахтадан тозалаш вали 9 га ўрнатилган 2 та қирғич 7 лар ёрдамида амалга оширилади. Тўрли юзанинг ташқи юзаси ҳам қирғич-тозалагич 8 ёрдамида тозаланади.



1-расм. СС-15А сепараторнинг умумий кўриниш чизмаси:

1 - камера; 2 - тўрли юза; 3 - пахта билан ҳаво кирадиган қувур; 4 - кириш ва чиқиш қувури.


Сепараторга пахта ва ҳаво аралашмаси кириш қувури орқали ҳавони ажратиш камерасига киради. Камера ҳажми катта бўлганлиги учун ундаги оқим тезлиги кескин пасаяди. Пахтанинг асосий қисми инерция кучи бўйича ҳаракатланишни давом эттириб, орқа деворга ўтади, унинг юзасидан сирпаниб вакуум - клапан ёрдамида чиқиб кетади, қолган миқдордаги қисми тўрли юзага келиб урилади. Пахта тўрли юзадан эластик қирғичлар ёрдамида ажратирилиб, улар ҳам вакуум-клапанга тушади. Вакуум - клапанга тушаётган пахтанинг ҳаракат қонуниятлари ҳамда вакуум - клапаннинг ишчи узунлиги бўйича пахтанинг тақсимланиши тўлиқ ўрганилмаган [6,7].

Сепараторда пахтани ҳаводан ажратишда тола йўқотилиши юқори навларда ўртача 0,0285 % ва паст навларда ўртача 0,052 % ни ташкил этади.

Сепараторларда пахтани тикилиш ҳолати юз берганда толани узилиши ҳамда чигитнинг механик шикастланиши мумкин. Бунга асосий сабаб пахтанинг намлиги ва ҳаводан ажратиб олинаётган пахта тўғридан-тўғри тўрли юза билан тўқнашиб, натижада уни тўрли юзадан қирғич ёрдамида сидириб олинаётганда ҳавонинг босими, пахта билан тўрли юза орасидан ҳосил бўлаётган ишқаланиш кучи таъсирларида пахта толаси узилади ҳамда чигит механик шикастланади [9].

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қўшимча ускунадан фойдаланиш, ва даставвал сепаратор тўрли юзасида пахта хом ашёсининг ҳаракатланиш жараёнини назарий ўрганиш мақсад қилиб қўйилган

Масаланинг қўйилиш. Пахта хомашёси билан қопланган қатламдан ўтувчи пахта оқими ҳаракатланиш жараёнини кўриб чиқамиз. Бундай қатлам тўрли юза бўйлаб узлуксиз сўрилатган пахта оқими таъсирида ҳамда хомашёни қирғич билан ажратиш натижасида ҳосил бўлади. Қатламнинг қалинлиги юза бўйлаб ўзгарувчан бўлиб, унинг катта қиймати қирғич яқинида бўлади, бунинг натижасида хомашё ўз оғирлиги натижасида юзадан ажралиб вакуум клапан зонасига тушади. Юза бўйлаб маркази O нуқтада бўлган қутб координат системаси (r, θ) ни танлаймиз. Қатлам қалинлиги фақат θ га боғлиқ бўлсин ва уни $h = h(\theta)$ белгилаймиз. h – тўрли юзадаги пахтанинг қалинлиги, бурчак θ қирғичнинг бирор ҳолатидан ҳисобланади ва у вақт t га боғлиқ бўлади (2.1-расм).



2-расм. Пахта бўлагининг қирғич сирти бўйлаб ҳаракат схемаси

Қирғич ўзгармас тезликка эга бўлганлиги сабабли жараён стационар бўлиб, хомашё қалинлиги ушбу $\theta = \bar{\theta} - \omega t$ айирмага боғлиқ бўлади (бу ерда ω қирғичнинг айланиш тезлиги). Стационарлик шартидан фойдаланиб, жараённи $0 < t < T$ ($T = 2\pi / \omega$) оралиқда ўрганиш етарли бўлади ва θ нинг ўзгариш интервали $0 < \theta < 2\pi$ га тенг бўлади. Юза dS бўйича ҳаво сарфи қуйидагича бўлади:

$$dQ = \rho(\theta)U(\theta)dS \quad (1)$$

Бу ерда $\rho(\theta)$ ва $U(\theta)$ dS юзада ҳавонинг зичлиги ва тезлиги.

Ҳавонинг зичлигини ўзгармас деб қабул қиламиз $\rho(\theta) = \rho_0$

У ҳолда, $dQ = \rho_0 U(\theta) dS$ координат системасини 1-расмга кўра жойлаштирамиз:

$$dQ = \rho_0 U(\theta) r dr d\theta$$

Юза бўйлаб марказий бурчаги θ бўлган секторда ҳаво сарфи ушбу интеграл ёрдамида аниқланади:

$$Q = Q(\theta) = \rho_0 \int_{R_0}^R r dr \int_0^\theta U(\theta) d\theta = \rho_0 \frac{R^2 - R_0^2}{2} \int_0^\theta U(\theta) d\theta \quad (2)$$

Бу ерда: R_0 ва R тўрли юзанинг ички ва ташқи радиуслари.

Ҳаво оқимининг стационарлик шартидан ушбу тенгликни оламиз:

$$Q_0 = \rho_0 \frac{R^2 - R_0^2}{2} \int_0^{2\pi} U(\theta) d\theta \quad (3)$$

Бу ерда: Q_0 юзага берилаётган ҳавонинг умумий сарфи. Ҳавонинг сўриш тезлиги $U(\theta)$ ўзгарувчи бўлиб, уни (3) тенгликдан аниқлаш лозим бўлади.

Бу тенглик адабиётларда 1 тур интеграл тенглама деб айтилади ва унинг ечимлари чексиз кўп бўлади. Аниқ ечим олиш учун ҳавони тўрли юза бўйлаб сўриш қонунияти маълум бўлиши керак. Шу мақсадда, ҳавонинг қатламдан ўтиш жараёнини фильтрация назарияси асосида кўриб чиқамиз[10].

Пахта қатламининг қалинлиги тўрли юза ва сектор майдонида ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, унинг ушбу жойларда зичлиги ҳам ўзгарувчан бўлади [11].

Ечиш усули ва натижалар таҳлили пахта хомашёси тезлиги ва зичлигининг тўрли юза бўйлаб тақсимланиш қонунларини назарий ўрганиб чиқамиз. Хомашё оқимининг ҳаракати фақат бурчак йўналишида бўлиб, унинг тезлиги v_n бурчак θ га боғлиқ бўлсин. Қирғич таъсирида қатламда уни бурчак θ нинг ўзгаришига боғлиқ бурчак хомашёдаги босимни p_n билан белгилаймиз. 2-расмда ажратилган OAB элементнинг тўрли юза бўйлаб ҳаракатланишида унга юза сирти томонидан Кулон кучи $f(p - p_0)Sd\theta$ ($S = \pi(R^2 - R_0^2)$) таъсир этади, $ds = R_c d\theta$ элементнинг MM_0 ёй бўйлаб стационар ҳаракати учун Эйлер тенгламасини тузамиз.

$$\rho v_n S_0 \frac{dv_n}{ds} = - \frac{d(S_0 p_n)}{ds} - fS(p - p_0) \quad (4)$$

Бу ерда $S_0 = h(\theta)(R - R_0)$ -маркази M нуқтада бўлган қатламнинг кесим юзаси.

(4) тенгламада 3 та номаълум тезлик v_n , p_n ва хомашё қалинлиги $h(\theta)$ қатнашади. Шунинг учун қўшимча 2 та тенгламадан фойдаланамиз. Биринчи тенглама жараён стационар бўлганлиги сабабли массанинг сақланиш қонуни (Q_n хомашё сарфи)

$$\rho_n v_n h_n = \rho_{n0} v_{n0} h_{n0} = Q_n / (R - R_0) \quad (5)$$

Бундан ташқари, хомашё учун ҳолат тенгламаси ўринли бўлиши лозим!

$$\rho = \rho_{n0} \{1 + A(p_n - p_{n0})\} \quad (6)$$

Бу ерда ρ_{n0} , v_{n0} , h_{n0} юзанинг $\theta = 0$ кесимидаги қирғич таъсиридаги кесимда хомашё зичлиги, тезлиги ва қатлам қалинлиги. Хомашё ва қирғич биргаликда ҳаракатланганлиги сабабли $v_{n0} = v_0 = R_c \omega$ тенглик ўринли бўлади.

Иккинчи тенглик хомашё муҳити учун ҳолат тенгламаси:

$$\rho_n = \rho_{n0} \{1 + A(p_n - p_{n0})\} \quad (7)$$

Бу ерда, A - тажрибавий ўзгармас, p_{n0} хомашёнинг қирғич сиртидаги босими

$\theta = 2\pi$ қийматда хомашё ва ҳаво босими бир хил бўлиб, p_0 га тенг деб олинади.

Хомашё сарфи Q_n билан белгиланса, у ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади.

$$\rho_{n0} = Q_n / h_{n0} v_0 (R - R_0)$$

(8) тенгликдан фойдаланиб, тезликни $A < 1$ ҳол учун босим орқали ифодасини аниқлаймиз:

$$v = v_{n0} [1 - A(p - p_{n0})] \quad (8)$$

(9) тенгликдан эса босимнинг зичлик орқали ифодасини топамиз

$$p_n = p_{n0} + \frac{1}{A} \left(\frac{\rho_n}{\rho_{n0}} - 1 \right) \quad (9)$$

$\theta = 2\pi$ кесимда хомашё ва ҳавонинг зичлиги бир бирига яқин бўлади. Шунинг учун (9) формулага $p_n = p_0$, $\rho_n \approx \rho_0$ тенгликларини қабул қилиб, қирғич сиртидаги босимни аниқлаш мумкин.

$$p_{n0} = p_0 + \frac{1}{A} \left(1 - \frac{\rho_0}{\rho_{n0}} \right)$$

Пахта хомашёси билан босим орасида қуйидаги чизиқли боғланиш маълум бўлсин.

$$p_n = B(h - h_0) + p_0 \quad (10)$$

Бу ерда $h = h(\theta)$ аниқланиши лозим бўлган хомашё қалинлигининг кутб бурчаги функцияси, $B = (p_{n0} - p_0)/(h_n - h_0)$, $C = (p_0 h_n - p_{n0} h_0)/(h_n - h_0)$ (11) ва (12) тенгликларда $s = R_c \theta$ тенгликни эътиборга олиб ($R_c = R/2$) $\frac{dv_n}{d\theta}$ ва $\frac{d(hp_n)}{d\theta}$ ни аниқлаб, тенгламани $h(\theta)$ нисбатан θ ўзгарувчида ёзамиз:

$$\frac{2\bar{h}m + \bar{C} - m}{\bar{h}m + \bar{C}} \frac{d\bar{h}}{d\theta} = -\lambda \quad (11)$$

Бу ерда $\bar{h} = h/h_n$, $m = \frac{1 - \bar{p}_0}{1 - \bar{h}_0}$, $\bar{C} = \bar{p}_0 - \bar{h}_0 m$, $\lambda = \pi f(R + R_0)/2h_n$, $\bar{h}_0 = h_0/h_n$

$\bar{p}_0 = p_0/\rho_{n0}v_n^2$ (12) тенглама хомашё қалинлиги $h(\theta)$ ни аниқлаш учун бурчак θ га нисбатан дифференциал тенгламани ифодалайди. Унинг $h(0) = 1$ шартни қаноатлантирувчи ечими қуйидагича бўлади.

$$\theta = \frac{1}{\lambda} \left[\frac{C + m}{m} \ln \frac{\bar{h}m + C}{m + C} - 2(\bar{h} - 1) \right] \quad (12)$$

(2.15) ифода қатлам қалинлиги $\bar{h}$ ни бурчак θ нинг ошқормас функциясида аниқлайди. 2.2-расмда турли юзадаги пахта хомашёси қатлами қалинлигининг бурчак θ га боғлиқлик графиклари параметр A иккита қийматида келтирилган. Ҳисобларда $h_0 = 0.03\text{м}$, $R = 0.05\text{м}$, $\rho_0 = 10\text{кг/м}^3$, $\rho_n = 80\text{кг/м}^3$, $\omega = 15\text{с}^{-1}$, $f = 0.2$, $\bar{p}_0 = 10$ қийматлар қабул қилинган.


Графиклар таҳлилидан хомашё қатламининг қалинлиги, босим (12) каби бурчак θ га нисбатан чизиқли қонунга биноан ўзгариши кузатиш мумкин. Агар $\theta = 0$, хомашё қалинлиги h_0 берилса, у ҳолда 3-расмдаги графиклардан фойдаланиб ихтиёрий бурчакда унинг қалинлигини ҳисоблаш мумкин бўлади. Масалан $A = 0.001\text{Па}^{-1}$ ($K = 1/A = 10^3\text{Па}$) да $h_0 = 0.03\text{м}$ олинса у ҳолда қирғич сиртидаги хомашё қалинлиги $h_n = 0.0833\text{м}$ га тенг бўлиб, турли юза бўйлаб тарқалган хомашё сарфи $Q_n = 1250\text{кг/с}$ га тенг бўлади, Агар $A = 0.005\text{Па}^{-1}$, ($K = 1/A = 5 \cdot 10^2\text{Па}$) га тенг бўлса. яъни хомашё ҳажмий модули камайган, ҳолда қирғич сиртидаги қалинлиги ва хомашё сарфи камайиши, яъни $h_n = 0.066\text{м}$ ва $Q_n = 900\text{кг/с}$ қийматларни қабул қилади.

3-расмда хомашёдаги босимнинг бурчакка нисбаган ўзгаришлари A параметрнинг иккита қийматида келтирилган. Уларнинг таҳлилидан энг катта босимнинг қиймати қирғич билан турли юза контактида ҳосил бўлади ва параметр A нинг ошиши (яъни ҳажмий сиқилиш модули камайиши) босимнинг етарли миқдорда камайишига олиб келади.


$$A = 0.001\text{Па}^{-1} \quad h_0 = 0.03\text{м}, \quad h_n = 0.0883\text{м}, \quad A = 0.005\text{Па}^{-1} \quad h_0 = 0.03\text{м}, \quad h_n = 0.066\text{м},$$

$$Q_n = 1125\text{кг/с} \quad Q_n = 900\text{кг/с}$$

Шундай қилиб, танланган схемада, яъни босимнинг қатлам қалинлигига пропорционал равишда ўзгариши хомашёнинг тезлигини турли юза бўйлаб кутб бурчагига нисбатан монотон ошиши ва зичлигининг эса монотон камайиши қонуниятлари кузатиш мумкин [11].



3-Расм. Кутб бурчаги θ нинг параметр A нинг ҳар хил қийматларида хомашё қатлами қалинлиги h/h_n га боғлиқлик графиклари



4-Расм. Пахта босимининг параметр A нинг ҳар хил қийматларида h/h_n га нисбатан боғлиқлик графиклари.

Пахта ҳаракати давомида тўрли юза билан доимо контактда бўлади. Ташқи босим таъсирида пахтанинг айрим толаларига тўрли юза сиртида тешиқлардаги ишқаланиш жараёни чўзилиш кучини ҳосил қилади ва унинг таъсирида толалар чўзилиш ҳолатида бўлиб, кучнинг юқори қийматлари уларда шикастланиш ёки узилиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатни таҳлил этиш учун толадаги ишқаланиш кучинини юза бирлигидаги қийматини босим орқали Кулон қонуни асосида танлаймиз ва тарангликни ишқаланиш кучи билан ва қирғичнинг тўрли юза билан бўлган контакт юзаси кўпайтмасига тенг деб оламиз. У ҳолда таранглик кучи ушбу формула билан ҳисобланади [12].

$$T = f S_k p(\theta) \quad (13)$$

Бу ерда, S_k контакт юза қиймати бўлиб уни қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин. $S_k = (R - R_0) H_k$, бу ерда H_k қирғичнинг контактдаги қалинлиги. Шундай қилиб босимнинг юзадаги ўзгаришини эътиборга олиб, тарангликни максимал ҳисоблаш учун ушбу формуладан фойдаланамиз:

$$T = f p(2\pi) (R - R_0) H_k \quad (14)$$

Ҳисобларда $f = 0.2$, $h_0 = 0.03\text{ м}$, $R = 0.05\text{ м}$, $H_k = 0.01\text{ м}$ қабул қилиниб, параметр A нинг иккита ва нисбат $p_0 / \rho_n v_0^2$ ҳар хил қийматлардаги ҳисоб натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Тарангликнинг параметр A нинг ва нисбат $p_0 / \rho_n v_0^2$ ҳар хил қийматлардаги ҳисоб натижалари:

Ҳисоб натижалари


$A = 0.001 \text{ Па}^{-1} \quad (K = 10^3 \text{ Па})$									
$p_{00} / \rho_n v_0^2$	0.5	1	1.5	2	2.5	3	3.5	4	5
$T(H)$	5.04	5.18	5.32	5.46	5.6	5.74	5.88	6.02	6.31
$A = 0.005 \text{ Па}^{-1} \quad (K = 5 \cdot 10^2 \text{ Па})$									
$p_{00} / \rho_n v_0^2$	0.5	1	1.5	2	2.5	3	3.5	4	5
$T(H)$	0.75	0.84	0.93	1.03	1.12	1.22	1.31	1.4	1.6

1-жадвалда келтирилган ҳисоб натижалари таҳлилидан ташқи босим ва пахта ҳажмий сиқилиш модулининг (ёки параметр A нинг камайиши) ошиши билан тарангликнинг ошиб бориши кузатилади. Бундай ўзгариш модуль K ошишида кескинрок бўлиши мумкин. Масалан: $K = 10^3 \text{ Па}$ бўлганда, $p_{00} / \rho_n v_0^2 = 1$ да таранглик $T = 5.18H$ га тенг бўлиб, $p_{00} / \rho_n v_0^2 = 5$ да таранглик $T = 6.31H$ га тенг бўлади. $K = 5 \cdot 10^2 \text{ Па}$ да эса бу қийматлар мос равишда равишда $T = 0.84H$ ва $T = 1.6H$ га тенг бўлади, яъни босим 5 марта ошганда таранглик мос равишда 1.22 ва 1.9 марта ошган бўлса, модуль беш марта ошганда таранглик мос равишда 6.16 ва 3.94 марта ошиши кузатиляпти.

Ушбу ҳолат тўрли юзанинг ташқи томонидан ўрнатилган изоляцион камера ҳисобига ҳаво босимини камайтириш орқали амалга оширилади. Сепараторнинг ички камераси томонидан ўрнатилган асосий қирғичга нисбатан изоляцион камера йўналишига қараб оғиш бурчаги $25-30^\circ$ да олдинга оғдирилган ҳолда ҳаракатланади [13].

Натижада қирғич тўрли юзадан пахтани ажратиб олаётган пайтда, тўрли юзани орқа томонидан ўрнатилган изоляцион камера ҳаво босимини беркитиб, ҳавони тўрли юзага пахтани босувчи кучини 0 га етказди, яъни ҳавони сўрилиш жараёнини беркитади. Шу вақтда қирғич тўрли юзадан пахтани эркин ҳолда ажратиб олади [14,16].

Шу ҳолат туфайли тўрли юзага ёпишган пахта фақат ўз оғирлик кучи ёрдамида ажралиб, вакуум-клапанга тушиб кетади.



5-расм. Сепараторда тўрли юза ва изоляцион камерани чизмаси.

1 -вал; 2 - қирғич; 3 - тўрли юза; 4 – такомиллашган камера.

СС-15А сепараторини такомиллаштирилгандан сўнг ишлаб чиқаришда кенг камровли тажрибалар ўтказилмоқда.

Хулоса. Сепаратор тўрли юзасида пахта хом ашёсининг ҳаракатланиш жараёнини назарий ўрганиш бўйича ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- СС-15А сепаратордаги тўрли юзага сўриш босими Δp ёрдамида ҳаво сарфи Q_0 бўлган пахта оқимини тушириш ва тўрли юзага ёпишиб қолган пахтани тушириш учун ω бурчак тезликда ҳаракатланаётган $abcd$ секторини ҳаракат қонуниятлари ўрганилди [15].

- Тўрли юзага жойлаштирилган секторнинг пахта қатламининг қалинлигига таъсирини ўрганишнинг назарий усули таклиф этилган ва бу усулни қўллаш натижасида қатлам қалинлигини аниқлаш учун интеграл тенглама олинди

- Тажриба натижалари билан таққослаш мақсадида қатлам қалинлигининг тўрли юза бўйлаб ўзгаришининг хусусий кўринишларидан фойдаланиш таклиф этилди. Хусусан, қатлам қалинлиги тўрли юза бўйлаб ўзгармас деб қабул қилинса, қалинлик сектор марказий бурчагига ва ташқи босимга нисбатан чизикли қонуният билан ўзгариши аниқланди

Шундай қилиб, қатлам қалинлигининг юза бўйлаб нотекислиги ошиб бориши юзага берилаётган пахта массанинг асосий улуши сектор юзасига тарқалиши мумкинлиги аниқланиб, бундай ҳолат қирғичнинг юзадаги пахтани бир текисда сўриш жараёнига салбий таъсир этиши мумкинлигини кўрсатади

Натижада қирғич тўрли юзадан пахтани ажратиб олаётган пайтда, тўрли юзани орқа томонидан ўрнатилган изоляцион камера ҳаво босимини беркитиб, ҳавони тўрли юзага пахтани босувчи кучини 0 га етказди, яъни ҳавони сўрилишни камайтиради, ҳамда қирғич тўрли юзадан пахтани эркин ҳолда ажратиб олаш жараёнида тола ва чигитни шикастланишини олди олинади.

References:

- 1 O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 25 yanvardagi "Paxta-to'qimachilik ishlab chiqarishini tashkil etishning zamonaviy shakllarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 53-sonli qarori.

- 2.A.M.Salimov, va boshq. "Tabiiy tolalarni dastlabki ishlash texnologiyasi" Namangan, "Vodiy Media" nashriyoti -2020 y.

3. A.M.Salimov, F.N.Sirojiddinov "Technology and eqyipment for primary cotton processing" T.: 2018

4. Zikriyev E. Texnologicheskiy reglament pererabotki xlopka-sirsa Assosiasiya «Uzxlopkopromsbit» i RNS «Xlopkoprom». Tashkent: Mexnat, 1997. 110s.

5. A.M.Salimov, O.A..Salimov, "Stydy of methods for improving the physical and mechanical properties of cotton fiber". International Scientific Joynal Theoretical & Applied Science p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online), Pyblished: Philadelphia, USA 30.10.2019 <http://T-Science.org>.

6. Shodiyev Z.O. SX separatorida paxta oqimini teng taqsimlash tizimini yaratish // nomzodlik dissertasiyasi. Toshkent, 2009. – 18 b.

7. Xodjiyev M.T. Osnovi proress uplotneniya xlopka-sirsa. Tashkent, FAN, 1996, 156 s.

8. M.T. Khodjiev, O.J. Myrodov, D.Eshmyrodov "Creation of Scientific-Based Constryction of the Separator with Insylation Camera"// International Joynal of Innovative Technologiy and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Bolyme-9 Issye-4, Febryarñ 2020

- 9.Xadjiyev M.T., Shodiyev Z. Separator dlya voloknistogo materiala// NGK.:Tez. Dokl. Mejd. Konf. 20-22 maya 2000. – Kostroma, 2000. S.30-32.

- 10.Eshmurodov D.D, Xojiyev M.T, Xakimov SH.SH, Eshnazarov D.A. "Energiya miqdori kam sarflanadigan momiq ajratish texnologiyasi" "To'qimachilik muammolari" ilmiy texnika jurnali 2016 yil 3-son. TTESI. 9-12 betlar.

11.D.D.Eshmurodov, M.T.Xojiyev. "SX separatorini takomillashtirish yo'llari" Magistratura talabalarining ilmiy maqolalar to'plami. TTESI. Toshkent 2016. 40-43 betlar.

12.Xodjiyev M. T., va boshqalar Havoii paxta changlaridan tozalash uskunasi Foydali modelga patent № FAP 01204 O'zbekiston Respublikasi intellektual mulk agentligi. № 6-byulliten, 30.06.2017 yil.

13. M.T.Khodjiev, va boshqalar "Creation of Scientific-Based Constriction of the Separator with Insulation Camera" International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Bolyme-9 Issye-4. Page 3231-3235.

14. M.T.Khodjiev, va boshq in the insulating cameras of the improved separator" International Journal of Materials Science and Engineering 862 (2020) (MSE). Malaysia 2020.

15. M.T.Xodjiyev, va boshqalar "Separator to'rtli yuzasida harakatlantirgan paxta xomashyosi holatini nazariy o'rganish" Mexanika muammolari jurnali 1-2 son 2020. Toshkent-2020. 143-147 bet.

16. M.T.Xojiyev, va boshqalar "Chigitli paxta uchun separator" O'zbekiston Respublikasi intellektual mulk agentligi. Foydali modelga patent № FAP 01317. 19.07.2018.

УДК 677.051.152.6

АРРАЛИ ЖИН ИШЧИ КАМЕРАСИ ПРОФИЛИНИНГ УСКУНАНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Р.Ш. Сулаймонов¹, М.Х. Ахмедов¹, Т.О.Туйчиев²

"Scientific Center of Cotton Industry" JSC¹.

Tashkent Institute of Textile and Light Industry²

Аннотация. Махаллий 4ДП-130, 5ДП-130, ДПЗ-180 русумли аррали жинлар ишчи камерасининг пахтани қабул қилиш қисми катталигининг таъминлагич-тозалагичдан берилаётган пахтанинг миқдорига таъсири ўрганилган. Камера кўндаланг кесим юзасини катталаштирилганига қарамасдан, жинни юқори иш унумдорликда ишлатиш имконияти йўқ ва бунга асосий сабаблардан бири ишчи камера фартуғи устки қисми конструкциясининг камчилиги эканлиги аниқланган.

Жинни юқори иш унумдорликда ишлашида пахтани узликсиз узатиб бериш учун назарий тадқиқотлар асосида танлаб олинган фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан 45, 50, 55 градусларда лаборатория шароитида тадқиқот ишлари ўтказилган.

Тадқиқот ишлари жараёнида жиннинг юқори иш унумдорликда ишлаши учун фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчаги 50 градусга тенг бўлиши аниқланган ва оптимал катталик деб олинган.

Танлаб олинган оптимал оғиш бурчагида жиннинг иш унумдорлиги оддий конструкцияли ишчи камерали жин иш унумдорлигига қараганда ўртача 16,6 кг/маш.соат га ошган, ишлаб чиқарилаётган тола ва чигитнинг сифати ўз навбатида 0,12 (абс)% ва 0,11 (абс)% га яхшиланган ва пахтани самарали жинлаш жараёни амалга оширилган.

Таянчли сўзлар: Аррали жин, ишчи камера, аррали цилиндр, шелушил камера, фартук, пахта хомашёси, тола, чигит, иш унумдорлик, сифат кўрсаткич.

Аннотация. Изучено влияние параметров приемного зева рабочих камер отечественных пильных джинов типа 4ДП-130, 5ДП-130 и ДПЗ-180 на количество хлопка-сырца, подоваемого из питателя-очистителя. Определено, что увеличение площади поперечного сечения камеры недостаточно для работы джина на высокой производительности, определяемой верхней частью фартука рабочей камеры.

В лабораторных условиях проведены исследования угла наклона верхней части фартука относительно горизонтальной оси в диапазоне 45, 50, 55 градусов, получены теоретические основы для обеспечения бесперебойной подачи хлопка-сырца при повышенной производительности джина.

В процессе исследований определено, что при работе джина на повышенной производительности, рациональная величина угла наклона верхней части фартука по отношению к горизонтальной оси составляет 50 градусов.

Согласно выбранному оптимальному углу наклона, производительность джина увеличилась в среднем на 16,6 кг/маш.час, повысилось качество волокна и семян на 0,12 (абс)% и на 0,11 (абс)% по сравнению джина с рабочей камерой типовой конструкции процесс дженирования осуществлялся стабильно.

Ключевые слова: пыльный джин, рабочая камера, пыльный цилиндр, шелушильная камера, фартук, хлопок-сырец, волокна, семена, производительность, качество.

Annotation. The influence of the parameters of the intake throat of the working chambers of domestic saw gins of the 4DP-130, 5DP-130 and DPZ-180 types on the amount of raw cotton fed from the purifier feeder has been studied. It was determined that the increase in the cross-sectional area of the chamber is not enough for the gin to operate at high productivity, determined by the upper part of the apron of the working chamber.

In laboratory conditions, studies of the angle of inclination of the upper part of the apron relative to the horizontal axis in the range of 45, 50, 55 degrees were carried out, theoretical foundations were obtained to ensure uninterrupted supply of raw cotton with increased productivity of gin.

In the process of research, it was determined that for the gin to work at increased productivity, the rational value of the angle of inclination of the upper part of the apron in relation to the horizontal axis is 50 degrees.


According to the selected optimal angle of inclination, the productivity of the gin increased by an average of 16.6 kg / machine hour, the quality of the fiber and seeds increased by 0.12 (abs)% and by 0.11 (abs)% compared to the gin with a typical working chamber. the construction and ginning process was stable.

Key words: saw gin, working chamber, saw cylinder, shelling chamber, apron, raw cotton, fibers, seeds, productivity, quality.

Кириш. Пахта-тўқимачилик кластери пахта тозалаш корхоналарида толани жинлаш учун 4ДП-130, 5ДП-130 ва ДПЗ-180 русумли аррали жинлар ишлатилади [1]. Ушбу жинлаш ускуналари ишчи камера зев 1, устки 2 ва остки 3 фартук, чигит тароғи 4, колосник 5, лобовой брус 6, аррали цилиндр 7 ва арралар оралик кистирмаси 8 дан

иборат (1- расм). Ушбу жинларнинг ишчи камераси кўндаланг кесим юзаси 0,132 м² ни ташкил этиб, ХДД ва ЗХДД аррали жинлардаги ишчи камера кўндаланг кесим юзасига қараганда катта [2, 3].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жин ускунасининг ишчи камера кўндаланг кесим юзасини катталашганига қарамасдан, жинни юқори иш унумдорликда ишлатиш имконияти мавжуд эмас. Бунга асосий сабаблардан бири ишчи камера фартуги устки қисми конструкциясининг мукамал эмаслиги хисобланади.



1- зев, 2- устки фартук, 3- остки фартук, 4- чигит тароғи, 5- колосник, 6- лобовой брус, 7- аррали цилиндр, 8- арралар оралик кистирма
1- расм. 4ДП-130, 5ДП-130 ва ДПЗ-180 русумли аррали жинлар ишчи камерасининг схемаси

Фартук устки қисми камчилигидан таъминловчи-тозаловчи системадан берилаётган пахта микдорини ишчи камера бўғзида тўлиқ қабул қилишга улгурмасдан, тиқилишлар юзага келади. Тиқилишларни бартараф этиш учун ишчи камерага берилаётган пахтани камайтиришга тўғри келади. Камерага берилаётган пахтанинг камайтирилиши фартук устки қисмидан чигит тароғи зонасигача бўлган оралиқда харакатланаётган хомашё валиги қатламидаги пахта микдорининг камайишини юзага келтиради. Натижада пахтани илиб олиш ва жинлаш жараёни амалга ошириладиган чигит тароғи зонасидан колосник устки ишчи қисмигача бўлган оралиқда хом-ашё валиги керакли толадорликда бўлмайди. Оқибатида аррали цилиндрдан хом-ашё валигига керакли тезлик ва энергиянинг берилмаслиги юзага келиб, валик айланиш тезлигининг камайишига, жин иш унумдорлигининг пасайишига, жинланган чигитларни ишчи камерадан ўз вақтида ташқарига чиқишга улгурмаслигига сабаб бўлмоқда [4].

Ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаси юқори ва паст навли пахтани жинлашда жиннинг ҳақиқий иш унумдорлиги, техник характеристикасидаги иш унумдорликка қараганда ўртача 30-40 % кам эканлигини кўрсатмоқда [5]. Жиннинг кам иш унумдорликда ишлаши, электр энергия ва эҳтиёт қисмларнинг керагидан ортиқ сарфланишига олиб келиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улгуржи нархининг ошишини, корхона соф фойдасининг камайишини юзага келтирмоқда.

Вазифанинг қўйилиши. Пахта тозалаш корхоналари қувватини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш мақсадида 2009 йилда Хитой Халқ Республикасининг “Лебедь” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган пахтани дастлабки ишлаш техникалар билан Жума пахта тозалаш корхонаси қурилади. Корхонада пахтани жинлаш учун 171 аррага эга бўлган МУ-171 русумли аррали жинлари ишлатилади [6, 7]. Жиннинг самарадорлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва микдор кўрсаткичларига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқот ишларининг натижаси унинг ҳақиқий иш унумдорлиги жин камерасига берилаётган намлиги ўртача 8,2 % бўлган I навли пахтани жинлашда 991,8 кг/маш. соатга тенг бўлиб, техник характеристикасидаги иш унумдорлигининг ўртача 60 % нигина бажарганини кўрсатган [8]. Пахтани жинлашдан ишлаб чиқарилган чигитнинг тукдорлик даражаси (ПДИ 91-2018)- жиндан кейинги чигит тўлиқ тукдорлигининг соҳавий меъёридаги I навли техник чигитга қўйилган талабдан ўртача 4,5 % юқори бўлиб, 15 % ни ташкил этган [9]. Юқори тукдорликдаги чигитнинг чиқиши чигитни линтерлашда тўқувга яроқли толанинг момикқа қўшилишига олиб келиб, умумий ишлаб чиқарилаётган тола микдорининг камайишини юзага келтирган. Бунга асосий сабаблардан бири ишчи камера хажмининг кичиклигидир [10]. Камера хажмининг кичиклигидан жин юқори иш унумдорликда ишлаши учун камерага берилаётган пахта микдорини жинлашга улгурмасдан камерада тиқилишларни юзага келтирган. Тиқилишларни бартараф этиш учун ишчи камерага берилаётган пахта микдорини камайитиришга тўғри келган. Оқибатда жин кам иш унумдорликда ишлаган. Жиндан юқори тукдорликда чигитнинг чиқишига хом-ашё валигининг керакли зичликда бўлмаганлиги билан ишчи камерадаги чигитни ташқарига чиқарувчи ишчи қисмлар конструкцияларининг камчиликлари сабаб бўлган [6, 11].

Муаммонинг ечилиш услубияти. Жин иш унумдорлигини ошириш билан ишчи камера оғзи қисмида пахтани тўпланмасдан камерадаги хом-ашё валигига тўлиқ узатиб бериш учун назарий тадқиқотлар асосида танлаб олинган устки қисми горизонтал ўққа нисбатан 45, 50, 55 градусли профилга эга бўлган фартукларни схемалари тайёрланди. Тайёрланган схемалар асосида “Пахтасаноат илмий маркази” АЖнинг лойиҳалаш бўлимида чизмалари ишлаб чиқилди (чизмалардан бири 2- расмда кўрсатилган) ва “РИМ устахонаси” шўъба корхонасида тажриба нусхалари тайёрланди. Тайёрланган фартуклар “Пахтасаноат илмий маркази” АЖнинг технологик лабораториясидаги 20 аррали стенд кўринишидаги 5ДП-130 русумли аррали жинга ўрнатилиб, жин техник тавсифига мос


равишда созланди (3- расм). Бунда жиндаги аррали цилиндр ташқи диаметри 320 мм ли аррали дисклардан иборат бўлиб, 22 кВт 730 айл/минли мотор ёрдамида ҳаракатга келтирилди. Синов- тадқиқот ишлари тажриба ўтказиш методикаси асосида олиб борилди. Тадқиқот ишлари даврида фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан 45, 50, 55 градус остида ўзгаришида таъминловчи системадан берилаётган пахтани қабул қилиш миқдори ва жиннинг иш унумдорлигига таъсири ўрганилди.

Натижаларнинг таҳлили. Синов ишлари Наманган-77 селекцияли пахтанинг I нав 2-синфида ўтказилди [12]. Бунда ишчи камерага берилаётган пахтанинг намлиги 8,4 % ни, ифлослиги 1,03 % ни ташкил этди [13]. Жиннинг иш унумдорлигини аниқлаш учун жинга берилаётган пахта хом-ашёси тортиб олинди ва пахтани жинлаш вақти аниқланди. Сўнгра жинлаш жараёнида ишлаб чиқарилган тола ва чигит тортиб олинди ҳамда жиннинг соат бай ишлашида ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотларнинг миқдори аниқланди. Жиндан кейинги тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичини аниқлаш учун эса пахтани жинлаш жараёнидан ишлаб чиқарилган тола ва чигитдан намуналар олиниб, институтнинг “Стандартлаштириш ва метрология” лабораториясида таҳлил қилинди.


Натижалари аниқ бўлиши учун намуналарнинг таҳлили 9 марта такрорланди ва ўртача қиймати олинди.

Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси (ПДИ 70-2017) да қайд этилган 5ДП-130 русумли аррали жинни I навли пахтани жинлашда самарали ишлаши учун ишчи камерага таъминловчи системадан соатига 4300 кг пахта берилиши кераклигини инобатга олиб, ҳар бир тажриба учун 50 кг дан пахта ажратиб олинди ва 20 аррали жинда тадқиқот ишлари ўтказилди [14].

Ўтказилган тадқиқот ишларининг натижаси 1- жадвалда ва 4, 5-расмларда келтирилган. 1- жадвал таҳлилидан устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан 45 градус остида ўрнатилган фартукли ишчи камерага таъминловчи-тозаловчи системадан 50 кг миқдордаги пахтанинг берилишига 4,3 минут сарфланди. Пахтанинг ишчи камерага берилишида фартукнинг устки пахтани қабул қилиш қисмида ва ишчи камерада тиқилишлар бўлмади. Бунда жиннинг иш унумдорлиги 225,5 кг/маш.соатга тенг бўлди. Ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,22 % ни, чигитнинг шикастланиши 3,34 % ни ва тукдорлиги 10,7 % ни ташкил этди [15].



2- расм. Жин ишчи камераси фартугининг чизмаси



1- такомиллаштирилган фартук, 2- чигит тароғи, 3- колосникли панжара, 4- лобовой брус, 5- аррали цилиндр.

3- расм. Такимиллаштирилган фартукли 20 аррали жин

Устки қисмининг горизонтал ўқ билан 50 градус бурчак ҳосил қилган фартукли ишчи камерага 50 кг миқдордаги пахта 4,1 минутда берилди. Бунда камеранинг пахтани қабул қилиш оғзида тиқилишлар юзага келмади. Хом –ашё валигининг айланиш тезлиги жадаллашиб, камерада ташқарига чиқаётган чигитлар миқдорининг кўпайганлиги кузатилди. Бу ҳолатда жиннинг иш унумдорлиги ўртача 354,8 кг/маш.соатни, жинланган чигитнинг тукдорлиги ўртача 10,4 % ни ташкил этди. Бунда ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,1 % га, чигитнинг шикастланиши 3,29 % га тенг бўлди.

Устки қисмининг горизонтал ўқ билан 55 градус бурчак ҳосил қилган фартукли ишчи камерага эга бўлган аррали жинда 50 кг миқдордаги пахтани жинлашга 4,6 минут вақт сарфланди. Бунда камера оғзи қисмида тиқилишлар бўлмади, лекин хом-ашё валиги тезлиги устки қисми горизонтал ўққа нисбатан 50 градусли фартук ишчи камерасидаги хом-ашё валиги тезлигига қараганда пасайганлиги ва камерада ташқарига чиқаётган чигитлар миқдорининг камайганлиги кузатилди. Бунда жиннинг иш унумдорлиги ўртача 316,1 кг/маш.соатга, жинланган чигитнинг тукдорлиги ўртача 10,16 % га тенг бўлди. Ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 3,29 % ни, чигитнинг шикастланиши ўртача 3,42 % ни ташкил этди [16].


Синов-тадқиқот ишларининг натижасидан устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан 50 градусга тенг бўлган фартукли ишчи камерада қўлланилиши таъминловчи системадан берилган 50 кг миқдордаги пахтани қолган фартукли ишчи камераларга қараганда қисқа вақт ичида жинлаш жараёнини амалга оширганлиги ўрганилди. Бунда пахтани қабул қилувчи камера оғзида ва хом-ашё валигида ҳеч қандай тиқилишлар бўлмаганлиги кузатилди. Пахтани жинлашда жиннинг иш унумдорлиги 354,8 кг/маш.соатни ташкил этиб, фартук устки қисми 45 градус бўлган ва тиқилмай ишлаган ишчи камерали жин иш унумдорлигига қараганда 16,6 кг/маш.соатга юқори бўлганлиги аниқланди. Ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ўртача 0,12 (абс) % га, чигитнинг шикастланиши ўртача 0,11 (абс) %га кам бўлиб, тола ва чигит сифат кўрсаткичининг яхшиланганлиги ўрганилди. Бунда жиндан кейинги чигитнинг тукдорлиги 10,4 % ни ташкил этиб, (ПДИ 91-2018)- жиндан кейинги чигит тўлиқ тукдорлигининг соҳавий меъёридаги I нав техник чигитга қўйилган талабга мослиги аниқланди.

1- жадвал

Пахтани қабул қилиш ва жинлашда ишчи камера фартуги устки қисми оғиш бурчагининг жин иш унумдорлигига, ишлаб чиқарилган тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичларига таъсири

Кўрсаткичларнинг номланиши	Бирлиги	Фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчаги, град.	Фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчаги, град.	Фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчаги, град.
Жин тарновидаги пахтанинг				
- намлиги	%	8,4	8,4	8,4
- ифлослиги	%	1,03	1,03	1,03
Жинга берилган пахта миқдори	кг	50	50	50
Пахтани ишчи камерага берилишида кетган вақт	дақиқа	4,3	4,1	4,5
Жиннинг пахта бўйича				


иш унумдорлиги	кг/соат	698,0	731,7	667,1
Жиндан кейинги толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши	%	3,22	3,1	3,29
Чигитнинг				
- тукдорлиги	%	10,7	10,4	10,16
- шикастланиши	%	3,34	3,29	3,42
Жиннинг тола бўйича иш унумдорлиги	кг/соат	225,5	354,8	316,1



Фартук устки қисмини горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчаги.

1- жинни пахта бўйича иш унумдорлиги, 2- жинни тола бўйича иш унумдорлиги.

4- расм. Жин иш унумдорлигини фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчагига боғлиқлиги



Фартук устки қисмини горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчаги.

1- толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши,

2- чигитнинг шикастланиши.

5- расм. Жиндан ишлаб чиқарилган тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичини фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчагига боғлиқлиги

Жин иш унумдорлигининг ошишида таъминловчи системадан берилаётган пахтани камера оғзида тиқилмасдан тўлиқ қабул қилиши билан хом-ашё валиги тезлигининг жадаллашиши, ишлаб чиқарилаётган тола ва чигит сифатининг яхшиланишини инобатга олиб, фартук устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан 50 градусли оғиш бурчагини оптимал катталиқ деб олинди.

Хулоса. Аррали жин камераси керакли миқдордаги пахтани қабул қилиш орқали жиннинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичини яхшилаш мақсадида устки қисмининг горизонтал ўққа нисбатан 45, 50 ва 55 градусга эга бўлган такомиллаштирилган фартук ўрнатилган ишчи камерада тадқиқот ишлари ўтказилди. Тадқиқот ишлари натижасидан таъминловчи-тозаловчи системадан берилаётган пахтани тўлиқ қабул қилиб, ишчи камерадаги хом-ашё валиги тезлигига ижобий таъсир этувчи фартук устки қисмини горизонтал ўққа нисбатан оғиш бурчагининг оптимал катталиги бўлган 50 градуси танлаб олинди. Танлаб олинган оптимал катталиқда жиннинг иш унумдорлиги 16,6 кг/ маш.соат га ошди, ишлаб чиқарилаётган тола ва чигитнинг сифати ўз навбатида 0,12 (абс)% ва 0,11 (абс)% га яхшиланди ва пахтани самарали жинлаш жараёни амалга оширилди.

Reference

- 1 Salimov A.M., i dr. Texnologiya pervichnoy obrabotki xlopka. “Adabiyot uchqunlari”. Tashkent. 2018. -184 s.
2. Sulaymonov R.SH. Razrabotka rabochey kameri s uluchshennim semyavideleniyem pri pilnom djinirovanii xlopka-sirsa. Diss...kand.tex.nauk.- Tashkent: TITLP, 2006.- 130 s.
3. E.T. Maksudov, A.N. Nuraliyev. Spravochnik po pervichnoy obrabotke xlopka. Kniga 1. Tashkent- «Mehnat»- 1994- s. 257-260.
4. Axmedov M.X., Sulaymonov R.Sh., Mardonov B.M., Tuychiev T.O. Modelling of interaction processes of a fibrous mass with a grate in the saw generation. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Vol. 8, Issue 1, January. 2021. ISSN: 2350-0328 - pp.16322-16327
5. Sulaymonov R.SH., Axmedov M.X. Arrali jin ish unudorligiga ishchi kamerani paxtani qabul qilish miqdorining ta'siri. Farg'ona ilmiy-texnik jurnali. Farg'ona, FarPI, 2020, № 2. - b.
6. Shandunskaya mashinostroitel'naya kompaniya po proizvodstvu xlopkererabativayushogo oborudovaniya «Lebed» KNR g. Szinan. Instruksiya po ekspluatatsii. Pilniy djin MY – 171. Instruksiya po ekspluatatsii. Pnevmaticheskiy voloknoochistitel MQPQ-3000. Instruksiya po ekspluatatsii. Pilchatiy voloknoochistitel MQP 600x3000.
7. Byler R.K. 2006. Historical Review on the effect of moisture content and the addition of moisture to seed cotton before ginning on fiber length. Journal of Cotton Science. 10: C.300-310. Available at [http:// www.cotton.org./journal/2006-10/3/145.cfm](http://www.cotton.org./journal/2006-10/3/145.cfm)
8. Sulaymonov R.SH., Karimov U.Q., Marufxanov B.X. Chet el uskunolari o'rnatilgan paxta tozalash korxonalaridagi texnologiyalar va texnologik uskunalarni o'rganish va har bir texnologik jarayon va texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish. Ilmiy hisobot. “Paxtasanoat ilmiy markazi” AJ. Toshkent. 2016.-28 b.
9. Sulaymonov R.SH.. Akramov A. Arrali jindan keyingi chigit to'liq tukdorligining sohaviy meyorlari (PDI 91-2018). “Paxtasanoat ilmiy markazi” AJ. Toshkent. 2018. – 4 b.
10. Ryszard M., Kozlowski R. Handbook of natural fibres. Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Limited, 2012.

11. T.S., Madraximov D.U. Izucheniye i ispitaniye kompleksa texnologicheskogo oborudovaniya proizvodstva KNR. Izucheniye i ispitaniye oborudovaniye dlya pilnogo djinirovaniya xlopka - sirsa i ochistki volokna. Otchet AO «Paxtasanoat ilmiy markazi». Tashkent. 2011.-43 s.

12. O'zDst 615:2018. Paxta. Texnikaviy shartlar. Toshkent, 2018.- 4 b.

13. O'zDst 644:2006. Paxta. Namlikni aniqlash usullari. Toshkent, 2006.- 17 b.

14. Paxtani dastlabki ishlashning muvofiqlashtirilgan texnologiyasi (PDI 70 –2017). A.S. Kamalovning umumiy tahriri ostida. Toshkent, 2017, 91 b.

15. O'zDst 632:2010. Paxta tolasi. Nuqsonlar va iflos aralashmalar massaviy ulushini aniqlash usullari. Toshkent, 2010.- 19 b.

16. O'zDst 601:2016. Paxta.

10. Ryszard M., Kozlowski R. Handbook of natural fibres. Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Limited, 2012.

11. Камалов Н.З., Сулаймонов Р.Ш., Бекчанов Х.Б., Нусратов Т.С., Мадрахимов Д.У. Изучение и испытание комплекса технологического оборудования производства КНР. Изучение и испытание оборудование для пильного дженирования хлопка - сырца и очистки волокна. Отчет АО «Пахтасаноат илмий маркази». Ташкент. 2011.-43 с.

12. O'zDst 615:2018. Paxta. Texnikaviy shartlar. Toshkent, 2018.- 4 b.

13. O'zDst 644:2006. Paxta. Namlikni aniqlash usullari. Toshkent, 2006.- 17 b.

14. Paxtani dastlabki ishlashning muvofiqlashtirilgan texnologiyasi (PDI 70 –2017). A.S. Kamalovning umumiy tahriri ostida. Toshkent, 2017, 91 b.

15. O'zDst 632:2010. Paxta tolasi. Nuqsonlar va iflos aralashmalar massaviy ulushini aniqlash usullari. Toshkent, 2010.- 19 b.

16. O'zDst 601:2016. Paxta. Texnik chigit. Texnikaviy shartlar. Tukdorlikni aniqlash usullari. Toshkent, 2016.- 11 b.

УДК: 677.21.021

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН УХК ТОЗАЛАШ ОҚИМ ЛИНИЯСИДА ИФЛОСЛИКЛАРНИНГ ҲАРОРАТИ ВА ТОЗАЛАШ САМАРАДОЛИГИНИ ЎЗГАРИШИ

А.П. Парпиев, Э.Х. Берданов, С.Саидбекова, М.Шорахмедова

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Аннотация. Таъминлагичлардан сўнг иссиқ ҳаво узатиш қузури билан жиҳозланган, пахта дастлаб қозиқчали барабанларнинг юқори қисмида титиш имконияти мавжуд такомиллаштирилган УХК оқим линиясида олиб борилган тажриба натижалари келтирилган.

Таdqиқотларда 6 тонна/соат иш унумдорликда биринчи тозалаш оқим линиясида тозалаш самарадорлик 64,16% ни ташиқил этган бўлса, иккинчи тозалаш оқим линиясида 30%ни ташиқил этиб, 34,16%га пасайиши кузатилди. Бунга асосий сабаб биринчи тозалаш оқим линиясида йирик ифлосликлар миқдорини камайишидир. Худди шунингдек, майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлик 58,46% дан 44,96% га камайиб, орадаги фарқ 13,5%ни ташиқил этди. Пахта таркибидаги майда ифлосликларни ажратиш олиш учун кўп механик зарба бериш ёки ифлосликларнинг ажралиш жараёнида қулай муҳит яратиш лозимлиги аён бўлмоқда.

Тозалаш жараёнида пахтага берилган иссиқ ҳаво натижасида пахта таркибидан ажратиш олинган майда ифлосликлар иссиқликни ўзига кўпроқ сингдириши ва тезроқ майда ифлослик таркибидан чиқиб кетиши аниқланди. Йирик ифлосликларда эса аксинча, иссиқликни ўзига олиш даражаси паст ва ўзидан чиқариб юбориши секинлиги аниқланди. Шунингдек, биринчи оқим линияда берилган иссиқ ҳаво натижасида ифлосликларнинг намлик даражасини пасайиши ҳисобига иккинчи оқим линиядаги ажратиш олинган

ифлосликларнинг ҳарорати биринчи линияга нисбатан 3 °C га паст кўрсаткич қайд этилди.

Таянч сўзлар: пахта, тозалаш ускунаси, таъминлагич, қозиқчали барабан, тўрли юза, аррачали барабан, майда ва йирик ифлосликлар.

Аннотация. Представлены результаты экспериментов на усовершенствованной поточной линии УХК, оснащенной трубопроводом для подачи горячего воздуха после питателя, где хлопок изначально разрыхляется в верхней части колковых барабанов.

Исследование показало, что при производительности 6 тн/час эффективность первого потока обработки составила 64,16%, а эффективность второй линии обработки составила 30%, то есть она снизилась на 34,16%. Основная причина этого - уменьшение количества крупных сорных примесей в первой поточной линии обработки. Аналогичным образом эффективность очистки от мелких сорных примесей снизилась с 58,46% до 44,96% с разницей в 13,5%. Понятно, что для удаления мелких сорных примесей из хлопка необходимо применить много механических воздействий или создать благоприятную среду для отделения сорных примесей.

В результате подачи горячего воздуха к хлопку во время процесса очистки было обнаружено, что мелкие сорные примеси поглощают больше тепла и быстрее испаряются. С другой стороны, у крупных сорных примесей поглощение тепла низкое, а испарение - медленное. Кроме того, из-за снижения уровня влажности сорных веществ из-за горячего воздуха, подаваемого в первую поточную линию, температура сбрасываемых сорных веществ во второй поточной линии была на 3 °C ниже, чем в первой линии.

Ключевые слова: хлопок, очистительное оборудование, питатель, колковый барабан, сетчатая поверхность, пыльчатый барабан, мелкие и крупные сорные примеси.

Annotation. The results of experiments on an improved CCC production line, equipped with a pipeline for supplying hot air after the feeder, where cotton is initially loosened in the upper part of the ring drums are presented.

The study showed that with a productivity of 6 t / h, the efficiency of the first processing flow was 64.16%, and the efficiency of the second processing line was 30%, that is, a decrease of 34.16%. The main reason for this is the reduction in the amount of large trash impurities in the first processing line. Similarly, the efficiency of cleaning from small trash impurities decreased from 58.46% to 44.96% with a difference of 13.5%. It is clear that in order to remove small trash impurities from cotton, it is necessary to apply a lot of mechanical action or create a favorable environment for the separation of trash impurities.

As a result of supplying hot air to the cotton during the cleaning process, it was found that small trash impurities absorb more heat and evaporate faster. On the other hand, large trash impurities have low heat absorption and slow evaporation. In addition, due to the decrease in the level of humidity of the weed substances due to the hot air supplied to the first production line, the temperature of the discharged weeds in the second production line was 3 ° C lower than in the first line.

Key words: cotton, cleaning equipment, feeder, ring drum, mesh surface, saw drum, small and large litters.

Кириш. Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш ускуналарини такомиллаштириш бўйича кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Лекин бугунги кунда пахта тозалаш корхоналарини пахта-тўқимачилик кластер тизимига ўтиши билан техника ва технологияларга бўлган талаб ўзгармокда. Юқори иш унумдорликда, рақобатбардош сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хомашёни дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи ресурсотежамкор, бошқарилувчан техника ва технологияларни яратишни тақазо этмокда [1].

Пахта таркибидаги ифлос аралашмаларнинг тола билан боғланиш кучлари турлича бўлиб, унга асосан толанинг пишиб етилганлиги, тола ва ифлос аралашмаларнинг

намликлари, пахта бўлакчаларининг тузилмавий таркиби таъсир этади. Пахта толасининг пишиб етилганлиги пахтани ўз вақтида териб олишга боғлиқдир [2]. Тозалаш жараёнида тола ва ифлос аралашмаларнинг намликлари эса пахтанинг саноат навига ва хомашёни ишлаб чиқариш жараёнига узатиш муддатлари ҳамда қуриштиш жараёнини тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир. Пахта териш мавсумида ифлос аралашмаларнинг ҳам намлик даражалари юқори бўлади. Вақт ўтиши билан ифлослик таркибидаги намлик пахтга ёки атмосферага чиқиб, ифлос аралашмаларнинг намликлари ўзгаради.

Пахтани иссиқлик-намлик ҳолатларини қуриштиш ва тозалаш жараёнларига таъсирини ўрганиш бўйича бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Тадқиқотлар натижасида тозалаш жараёнида пахтанинг оптимал намлик даражаси ва толанинг оптимал ҳароратлари аниқланган [3]. Айрим тадқиқотларда пахтани қуриштиш-тозалаш ускуналари тадқиқ этилган. Бу ишларда тозалаш самарадорлиги юқори бўлиши ва иссиқлик энергияси сарфини камайтириш имконияти яратилганлиги хулоса қилинган [4]. Лекин конструктив ва бошқа камчиликлари сабаб ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмаган. Пахтани дастлаб қозиқчали барабанларнинг юқори қисмида титиб, кейин тозалаш зонасига узатиб тадқиқотлар олиб борган изланишларда ҳам тўлиқ жараённинг моҳияти очиб берилмаган [5-6].

Бир қанча хорижий тадқиқотчи олимлар томонидан олиб борилган тажрибаларда пахтани тозалаш жараёнида иссиқлик билан аралашмасида бирга ҳаракатланишини ишчи қимларини шакли ва оралик масофаларини тозалаш жараёнига таъсири тадқиқ этилган [7-15].

Тажрибавий изланишлар. Пахта хомашёсини тозалаш жараёнида унга иссиқлик бериш орқали унинг иссиқлик намлик ҳолатини ўзгартириш ва пахтани дастлабки қозиқчали барабанларнинг юқори қисмида хомашёни майда бўлакчаларга ажратиб тозалаш зонасига узатишни оқим линиянинг тозалаш самарадорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида амалий тажрибалар олиб борилди.

Тажрибалар “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” кафедрасини ўқув-илмий лабораториясида жойлашган УХК оқим линиясининг 4та қозиқчали барабан (1ХК/2), йирик ифлосликлардан тозалаш секцияси (УХК), 4та қозиқчали барабан (1ХК/2) ва йирик ифлосликлардан тозалаш секцияларида (УХК) қўлда ва машинада терилган намлик даражалари 8,2%, умумий ифлослиги 8,4%, майда ифлослиги 6,41%, йирик ифлослиги 1,99% бўлган пахта хомашёсида олиб борилди. Ҳар бир ўтказилган тажриба секинлаштирилган видео суръатга олинди. Тажриба ўтказишда УХК оқим линиясининг иш унумдорлиги 3; 4,5 ва 6 тонна/соат, таъминловчи валиклар ўқлар оралиғи 300 мм, пахтага берилаётган иссиқ ҳаво ҳарорати 150 °С қилиб ўрнатилди. Ҳар бир тажриба уч маротаба ўтказилди. Тажриба натижалари қуйидаги 1 жадвалда келтирилган.

1-жадвал

УХК оқим линиясида ўтказилган тажриба натижалари


№	Кўрсаткичлар	1-марта тозалаш линиясидан ўтган			2-марта тозалаш линиясидан ўтган		
		Тажрибаларнинг такрорланиши					
		1	2	3	1	2	3
1.	Пахтанинг дастлабки намлиги, %	8,2					
2.	Пахтанинг дастлабки ифлослиги, %	8,4			3,73/ 2,58	3,23/ 2,29	3,15/ 2,25
	майда ифлослик	6,41			2,91/ 2,12	2,52/ 1,97	2,54/ 1,96
	йирик ифлослик	1,99			0,82/ 0,46	0,71/ 0,32	0,61/ 0,29
Тозалаш оқим линиясининг иш унумдорлиги Пр=6,0 тонна/соат							

3.	Тозалаш оқим линиясининг тозалаш самарадорлиги, %	55,6	61,5	62,5	51,6	42,9	38,2
	умумий тозалаш самарадорлиги	78,5	78,0	76,8			
	майда ифлосликлар бўйича	54,6	60,4	60,4	52,3	41,8	40,8
	йирик ифлосликлар бўйича	58,7	64,4	69,4	48,9	46,8	27,1
4.	Тозалаш оқим линияси секцияларида тозаланган пахтадан олинган ифлослик ҳарорати, °C						
	1- қозикчали барабанлар секцияси	40	39	42	36	38	38
	1- аррачали барабанлар секцияси	25,3	26	30	21,1	28	31
	2- қозикчали барабанлар секцияси	13,7	15	18	12,1	16	17
	2- аррачали барабанлар секцияси	19,1	16	23	16,5	17	20
Тозалаш оқим линиясининг иш унумдорлиги Пр=4,5 тонна/соат							
5.	Тозалаш оқим линиясининг тозалаш самарадорлиги, %	62,5	67,1	67,8	53,8	46,5	42,1
	умумий тозалаш самарадорлиги	82,5	82,2	81,2			
	майда ифлосликлар бўйича	60,7	64,8	64,9	55,2 5	63,8	45,4
	йирик ифлосликлар бўйича	67,8	74,2	77,3	47,4	35,7	23,2
6.	Тозалаш оқим линияси секцияларида тозаланган пахтадан олинган ифлослик ҳарорати, °C						
	1- қозикчали барабанлар секцияси	40	41	42	37	38	39
	1- аррачали барабанлар секцияси	27	29	32	25	28	32
	2- қозикчали барабанлар секцияси	15	16	18	14	17	17
	2- аррачали барабанлар секцияси	20	19	23	16	18	21
Тозалаш оқим линиясининг иш унумдорлиги Пр=3,0 тонна/соат							
7.	Тозалаш оқим линиясининг тозалаш самарадорлиги, %	69,3	72,7	73,2	56,0	50,1	46,1
	умумий тозалаш самарадорлиги	86,5	86,4	85,6			
	майда ифлосликлар бўйича	66,9	69,2	69,5	58,2	85,9	50,1
	йирик ифлосликлар бўйича	76,9	84,0	85,3	46,0	24,6	19,4
	Тозалаш оқим линияси секцияларида тозаланган пахтадан олинган ифлослик ҳарорати, °C						
	1- қозикчали барабанлар секцияси	40	43	42	38	38	41
	1- аррачали барабанлар секцияси	29	33	34	30	28	33
	2- қозикчали барабанлар секцияси	17	18	18	16	18	18
	2- аррачали барабанлар секцияси	21	23	24	16	19	21

1-расмда юқоридаги келтирилган тажриба ўтказиш методика асосида олиб борилган тажрибаларда тозалаш оқим линияларининг тозалаш самарадорликларини ўзгариш графиги келтирилган.

Натижалар таҳлили. 1-расмда келтирилган графикларни таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи тозалаш оқим линиясининг майда ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлик 3 тонна/соат иш унумдорликда 68,83% ни, 4,5 тонна/соат иш унумдорликда 63,35% ни ва 6 тонна/соат иш унумдорликда эса 58,46% ни ташкил этмоқда. Йирик ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлик 3 тонна/соат иш унумдорликда 82,06% ни, 4,5 тонна/соат иш унумдорликда 73,15% ни ва 6 тонна/соат иш унумдорликда эса 64,16% ни ташкил этмоқда. Биринчи тозалаш оқим линиясининг умумий тозалаш самарадорлик 3 тонна/соат

иш унумдорликда 71,73% ни, 4,5 тонна/соат иш унумдорликда 65,20% ни ва 6 тонна/соат иш унумдорликда эса 59,86% ни ташкил этмоқда.



*Биринчи тозалаш оқим линиясида

**Иккинчи тозалаш оқим линиясида

1-тозалаш оқим линиясининг тозалаш самарадорлиги, %

2-майда ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлиги, %


3-йирик ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлиги, %

1-расм. Тозалаш оқим линияларида тозалаш самарадорликлари

Иккинчи тозалаш оқим линиясининг майда ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлик 3 тонна/соат иш унумдорликда 64,73% ни, 4,5 тонна/соат иш унумдорликда 54,90% ни ва 6 тонна/соат иш унумдорликда эса 44,96% ни ташкил этмоқда. Йирик ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлик 3 тонна/соат иш унумдорликда 40,93% ни, 4,5 тонна/соат иш унумдорликда 35,52% ни ва 6 тонна/соат иш унумдорликда эса 30,0% ни ташкил этмоқда. Иккинчи тозалаш оқим линиясининг умумий тозалаш самарадорлик 3 тонна/соат иш унумдорликда 50,73% ни, 4,5 тонна/соат иш унумдорликда 47,50% ни ва 6 тонна/соат иш унумдорликда эса 44,23% ни ташкил этмоқда. Иккала тозалаш оқим линияларининг умумий тозалаш самарадорлиги 3 тонна/соат иш унумдорликда 86,16% ни, 4,5 тонна/соат иш унумдорликда 82,4% ни ва 6 тонна/соат иш унумдорликда эса 77,7% ни ташкил этмоқда.

Иккинчи оқим линияда йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги кескин камайиши кузатилмоқда. Мисол учун 6 тонна/соат иш унумдорликда биринчи тозалаш оқим линиясида тозалаш самарадорлик 64,16%ни ташкил этган бўлса, иккинчи тозалаш оқим линиясида 30%ни ташкил этиб, 34,16%га камаймоқда. Бунга асосий сабаб биринчи тозалаш оқим линиясида йирик ифлосликлар миқдорини камайишидир. Худди шунингдек, майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлик 58,46% дан 44,96% га камайиб, орадаги фарқ 13,5%ни ташкил этмоқда. Майда ифлосликларни ажратиш олиш учун кўп механик зарба бериш ёки ифлосликларнинг ажралиш жараёнига қулай муҳит яратиш зарур бўлиши аён бўлмоқда.

2-расмда тозалаш оқим линияси секцияларида тозаланган пахтадан ажратиш олинган ифлослик ҳароратларини ўзгариш графиги келтирилган.



Тозалаш оқим линияси секциялари

- 1- Биринчи марта тозалаш оқим линиясида қозикчали барабан
- 2- Биринчи марта тозалаш оқим линиясида аррачали барабан
- 3- Иккинчи марта тозалаш оқим линиясида қозикчали барабан
- 4- Иккинчи марта тозалаш оқим линиясида аррачали барабан
- 5-

2-расм. Тозалаш оқим линияси секцияларида тозаланган пахтадан ажратиб олинган ифлослик ҳароратларини ўзгариши

Тажиба натижаларидан олинган графикни таҳлил қилинганда пахтанинг дастлабки намлиги 8,2%, ифлослиги 8,4%, пахта хомашёсида тозалаш оқим линиясининг иш унумдорлиги 6 тонна соатни ташкил қилганда биринчи марта тозалаш оқим линиясига узатилганда биринчи қозикчали барабанлардан ажралиб чиққан ифлосликнинг ҳарорати 40,33 °C, биринчи аррачали барабанда ажралган ифлосликларнинг ҳарорати 27,1 °C, иккинчи қозикчали барабандан ажралган ифлослик ҳарорати 15,56, иккинчи аррачали барабанда ажралган ифлосликларнинг ҳарорати 19,36 °Cни ташкил этмоқда. Иккинчи марта тозалаш оқим линиясига узатилганда биринчи қозикчали барабанлардан ажралиб чиққан ифлосликнинг ҳарорати 37,33 °C, биринчи аррачали барабанда ажралган ифлосликларнинг ҳарорати 26,7 °C, иккинчи қозикчали барабандан ажралган ифлослик ҳарорати 15,03, иккинчи аррачали барабанда ажралган ифлосликларнинг ҳарорати 17,83 °C ни ташкил этмоқда. Қолган иш унумдорликларида ҳам худди шундай ҳолат қайтарилмоқда.

Хулоса. Иккинчи оқим линияда йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги кескин камайиши кузатилмоқда. 6 тонна/соат иш унумдорликда биринчи ва иккинчи тозалаш оқим линияларининг тозалаш самарадорликларини фарқи 34,16% ни ташкил этди. Майда ифлосликлардан тозалаш самарадорликлар орасидаги фарқ 13,5% ни ташкил этди. Бунга асосий сабаб биринчи тозалаш оқим линиясида йирик ифлосликлар миқдорини камайишидир.

Олинган натижаларда майда ифлосликлар иссиқликни ўзига кўпроқ сингдириши ва тезроқ ифлослик таркибидан чиқиб кетиши аниқланди. Йирик ифлосликларда эса аксинча, иссиқликни ўзига олиш даражаси паст ва ўзидан чиқариб юбориши секинлиги аниқланди. Шунингдек, биринчи оқим линияда ифлосликларнинг намлик даражасини пасайиши ҳисобига иккинчи оқим линиядаги ажратиб олинган ифлосликларнинг ҳарорати биринчи линияга нисбатан 3 °C га паст кўрсаткич қайд этилди.

Reference.

- 1 A.Parpiyev va boshqalar. Paxta xomashyosini quritish. Darslik. CHo'lpon nashriyoti, 2009 y.
- 2 Madumarov I.D., Ruzmetov R.I., Gapparova M.A., Tuychiev T.O. Changing the Cotton Fiber Temperature// International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) ISSN: 2249 – 8958, Volume-9 Issue-3, February, 2020 – P.974-977.
- 3 I.D.Madumarov. Paxtani issiqlik-namlik holatini muqobillashtirish va bir tekis ta'minlash asosida tozalash jarayonining samaradorligini oshirish. Texnika fanlari doktorlik dissertatsiyasi, TTESI, 2019 yil. 200 b.
- 4 Ruzmetov R.I. Yuqori navli paxtalarni quritish texnologik jarayonini takomillashtirish // texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (Doctor of Philosophy) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiya. Toshkent. – 2020, 117 b.
- 5 Lugachev A.YE. Razrabotka teoreticheskix osnov pitaniya i ochistki xlopka primenitelno k potochnoy texnologii yego pererabotki: Dis..dok. texn. nauk. – Tashkent, 1998. – s.
- 6 Tuychiev T.O., Madumarov I.D., Mardonov B.M. Investigation of the process of release of dirt impurities in the zone of interaction of it with a netlike surface// European science review, Vienna, Prague, 2017, 9-10, 130-133 pages.
- 7 Anthony W.S. and William D. Mayfield, Cotton ginners handbook. //Agricultural handbook. Number 503. United States Department of Agriculture. December 1994.337 p.
- 8 Arude V.G., Manojkumar T.S., Shukla S.K. Axial flow pre-cleaner for on farm cleaning of cotton. Agricultural Mechanization in Asia, Africa and Latin Amerika. 2014, ISSN: 00845841.
- 9 Hardin R.G., Byler R.K. Removal of sheet plastic materials from seed cotton using a cylinder cleaner. Journal of Cotton Science. 2016, 375-385, ISSN:15243303.
- 10 Zhang Q., Yang J., Teng T., Wang H., Yang K., Qin J. How to reduce cotton fiber damage in the Xinjiang China. View correspondence. 2012.
- 11 Patil.P.G., Anap G.R., Arude V.G. Design and development of cylinder type cotton pre-cleaner. Agricultural Mechanization in Asia, Afrika and Latin Amerika. 2014, ISSN: 00845841.
- 12 Kong, F., Shi, L., Sun, Y., Xie, Q., Wu, T., Chen, C. The effect of technological parameters of onboard seed cotton pre-cleaner on cotton fiber quality (2020) International Agricultural Engineering Journal, 29 (3), pp. 205-213.
- 13 Hardin, R.G., IV, Barnes, E.M., Valco, T.D., Martin, V.B., Clapp, D.M. Engineering and ginning: Effects of gin machinery on cotton quality (2018) Journal of Cotton Science, 22 (1), pp. 36-46.
- 14 Barker, G.L. Analysis of seed cotton cleaning efficiency using GINQUAL (1991) Applied Engineering in Agriculture, 7 (6), pp. 667-672.
- 15 Veliev, F. A study of the influence produced by the dynamics of the working bodies of cotton processing machines on the cotton fibre quality (2021) Eastern-European Journal of Enterprise Technologies, 1 (1-109), pp. 68-76.
- 16 Rajabov, O., Shodiyev, Z., Inoyatov, I., Gapparova, M. Analysis of the technological process of cleaning raw cotton from small trash (2020) International Journal of Emerging Trends in Engineering Research, 8 (9), pp. 6022-6029.

БАРАБАНДА ПАХТА КОМПОНЕНТЛАРИНИ ҚУРИШ БИР ТЕКИСЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ

А.Парпиев, К.Якубов, И.Исмоилов, С.Саидбекова.

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Аннотация. Мақолада пахтани қуришида компонентлари намликларига қуришиш температурасини таъсирини ҳамда қуриш бир текислигини таҳлили асосида толани ортиқча қуриб кетиши имкониятларини аниқлаш мақсади қўйилган. Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола намлигини пастлигини асосий сабаблари келтирилган. Қуришиш температурасини турли қийматларида пахта компонентларини қуриши улар орасидаги намлик фарқлари аниқланган. Пахта, тола ва чигит намликларини қуришишдан кейинги қийматларини ўзаро фарқларини регрессия тенгламалари олинган.

Қуришиш бир текислиги таҳлил қилиниб уни қуришиш сифати жумладан пахта компонентларини бир хил қуришини характерловчи кўрсаткич сифатида қабул қилиниши, қайта қўриб чиқиши керак бўлган масала эканлиги таъкидланган. Қуриш бир текислигини аниқлашни формуласи таклиф этилган. Қуришиш температурасини ҳисобига пахта компонентларини қуришишда ўзаро намлик фарқларини камайтириш имконияти катта эмаслиги аниқланди.

Пахта компонентларини қуришиш объекти сифатида кимёвий тузилиши иссиқлик, намлик ва гигроскопик хоссалари ҳар хил бўлиши қуришилган пахта, тола ва чигит намликларида катта фарқ бўлишини асосий сабабларидан бири эканлиги очиқ берилди. Пахтани қуришишда қуриш температураси 130⁰ бўлганда қуриш бир текислигига таъсир этиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Аннотация. Целью статьи является определение возможности температуры сушки на основе влажности хлопковых компонентов, а также способности чрезмерной сушки волокна на основе анализа однородности сушки. Приведены основные причины низкой влажности волокна, производимого на хлопкоочистительных заводах. Сушка хлопковых компонентов при различных значениях температуры сушки выявила различия во влажности между ними. Получены уравнения регрессии для разницы значений влажности хлопка-сырца, волокна и семян после сушки.

Было отмечено, что однородность сушки - это проблема, которую необходимо пересмотреть, приняв ее за основу равномерной сушки хлопковых компонентов, в том числе качества сушки. Предлагается формула определения однородности сушки. Выяснилось, что возможность уменьшения взаимной разницы влажности при сушке хлопковых компонентов за счет температуры сушки невелика.

Выявлено, что химическая структура компонентов хлопка-сырца как объекта сушки является одной из основных причин больших различий в содержании влаги высушенного хлопка-сырца, волокна и семян, которые различаются по теплоте, влажности и гигроскопичности. При сушке хлопка-сырца было обнаружено, что существует вероятность воздействия на однородность сушки при температуре 130⁰С.

Annotation. The aim of the article is to determine the possibility of drying temperature based on the moisture content of cotton components, as well as the ability to over-dry the fiber based on the analysis of the uniformity of drying. The main reasons for the low moisture content of fiber produced in ginneries are given. Drying the cotton components at different drying temperatures revealed differences in moisture between them. Regression equations are obtained for the difference in moisture values of raw cotton, fiber and seeds after drying.

It was noted that uniformity of drying is an issue that needs to be revisited, taking it as the basis for uniform drying of cotton components, including drying quality. A formula for determining the homogeneity of drying is proposed. It turned out that the possibility of reducing

the mutual difference in humidity when drying cotton components due to the drying temperature is small.

It was revealed that the chemical structure of the components of raw cotton as an object of drying is one of the main reasons for large differences in the moisture content of dried raw cotton, fiber and seeds, which differ in warmth, moisture and hygroscopicity. When drying raw cotton, it was found that there is a possibility of affecting the uniformity of drying at a temperature of 130⁰ C.

Калит сўзлар: Пахта компонентлари, куриш бир текислиги, куритиш температураси, пахта, тола ва чигит намликлари фарқи, толани намлаш, куритиш барабани, намлик олиш.

Кириш. Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган толани намлиги ип-йигирув технологиясини талаби 8% дан паст бўлиб технологик ускуналарни ишлаш самарадорлиги ва олинадиган ип сифатига таъсир этмоқда [1. 9-106; 2. 60-636]. Тола намлигини 7,5-8% га келтириш мақсадида пахта тозалаш корхоналарида пахта ва толани намлаш жараёни амалга оширилишига қарамасдан, самарали намлаш ускунаси ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли яхши натижага эришилгани йўқ [3. 55-566; 4. 336-3386; 5. 80-82 6].

Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган тола намлиги пастлигини асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- пахта ва толани намлашни самарали техника ва технологиялари ишлаб чиқарилмагани;

- пахта компонентларини тузилиши, гигроскопик ҳоссалари ҳар хил бўлганлиги сабабли, уларда намлик тақсимоли бир хил бўлмай, толада минимал (пахта намлигига нисбатан 30% гача) намлик бўлиши;

- куритиш жараёнида толани солиштирма юзаси катта (чигитга нисбатан 400 баробардан юқори) бўлиб, иссиқ ҳаво билан тўғридан тўғри контактда бўлиши натижасида, ундан намлик олиш тезлиги юқори бўлиши.

Г.В. Банников [6. 85-866; 7. 105-1066] томонидан пахта компонентларини куриши бир текислигини ошириш ҳисобига толани ортиқча куриб кетишини олдини олиш мақсадида куритишни сифат кўрсаткичи сифатида куриш бир текислиги коэффиценти тавсия этилиб, уни қуйидаги формула билан аниқланган

$$P = \frac{W_T}{0,7W_n} \quad (1)$$

бунда W_T, W_n – куритилгандан кейинги тола ва пахта намликлари, %

Г.В. Банников ҳулосаси бўйича $P = 1$ бўлганда куриш жараёни самарали ҳисобланади, лекин кейинчалик ўтказилган тадқиқотларда [8. 150-1516; 9. 3626; 10. 36] куриш бир текислиги коэффиценти P жараёни тўлиқ характерлаб берилмаганлигини кўрсатди.

Ишлаб чиқарилаётган толани 2,5-3% гача намлаш эҳтиёжи бўлиб, уни сунъий намлаш ҳисобига амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун толани куритиш жараёнида ортиқча куриб кетишини олдини олиш, куритиш режимини мослаштириш ҳисобига қўшимча намлаш фоизини камайитириш мумкин.

Пахта ва толани намлашни самарали технология ва техникаларини ишлаб чиқиш ҳамда пахтани 2СБ-10 барабанида куритилганда куриш бир текислигини ошириш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган [11. 225-2266; 12. 190-1916; 13. 86; 14. 286]. Лекин самарали намлаш ускуналари яратилмаган.

Мақолада пахтани куритишда компонентлари намликларига куритиш температурасини таъсирини ҳамда куриш бир текислигини таҳлили асосида толани ортиқча куриб кетишини олдини олиш имкониятларини аниқлаш мақсади қўйилган.

Тажрибалар ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган.

Тажриба ўтказиш методикаси. Тадқиқот объекти сифатида намлиги 11,14% С65-24 навли пахта олинди. Қуриштиш барабани 2СБ-10 7 т/с иш унумдорлигида, қуриштиш температураси $T=100-130-160-190^{\circ}\text{C}$ да қурилди.

Намуналар олиниб пахта, тола ва чигит намликлари аниқланди. Олинган натижалар математик-статистик қайта ишланди [15 150-1526].
1-жадвалда пахтани қуриштиш натижалари келтирилган.


1-жадвал

Пахта компонентларини қуриштишдан кейинги намликлари

т/р	Пахта компонентларини	Бошланғич намлиги %	Компонентларини намликлари			
			Қуриштиш температураси, $^{\circ}\text{C}$			
			100	130	160	190
1	Пахта	11,14	10,1	9,5	9,07	8,4
2	Чигит	12,5	11,52	10,9	10,4	9,8
3	Тола	7,8	7,28	6,6	5,44	4,04

Пахта намлиги 11,14% бўлганда тола намлиги 7,8% яъни технологик регламент талабига мос келсада пахта қурийтилапти. [16. 25-266]

Қуриштиш температураси 130°C да тола намлиги 6,6% га тушмоқда, 160°C ва 190°C ларда 4,04% гача пасаймоқда.



Қуриштиш ағенти температураси $^{\circ}\text{C}$
1-пахта намлиги,% 2-қуриштиш бир текислиги

1-расм. Пахта ва тола намликлари ҳамда қуриш бир текислигига қуриштиш температурасини таъсири.

Пахта компонентлари намликларини бошланғич фарқлари деярли ўзгармай қолмоқда, яъни қуриштиш температурасини ҳисобига улардаги фарқларни камайтириш имконияти камлигини кўрсатмоқда. Қуриштиш температураси 130°C дан ошганда намлик фарқлари ҳам ошиб бормоқда.

1-расмда пахтани турли температураларда қурилганда тола ва пахта намликларини ўзгариши ҳамда қуриш бир текислиги келтирилган.


Тажрибамизда қуриш бир текислиги қуриштиш температураси ошган сайин пасайиб бориши 0,69 дан 1,0 гача ўзгариши аниқланди. Лекин $P=1$ бўлганда ҳам тола намлиги

пахта намлигидан 28% га фарқ қилмоқда, $P=0,97$ да эса 30,5%, $P=0,86$ да 40%, $P=0,69$ да 76,6% ни ташкил этмоқда. Бу ҳолат қуриш бир текислигини (1) формула билан аниқлашни технологик аҳамияти етарли эмаслигини билдиради.

Тажрибалар қуриш бир текислиги қиймати баъзи ҳолларда бирдан ошиб кетишини кўрсатди. Шу сабабли қуриш бир текислигини

$$P = \frac{W_t}{W_n} \quad (2)$$

бўйича ва тола намлигини $W_t = P \cdot W_n$ бўйича аниқлаб уни пахта намлигидан қанча фарқ қилишини билиш мумкин



Қуриштиш агенти температураси $^{\circ}\text{C}$

1-чигит ва тола намликлари фарқи, %

2-пахта ва тола намликлари фарқи, %

Чигит ва пахта намликлари фарқи, %

2-расм. Қуриштиш температурасини пахта компонентлари намликлари фарқига таъсири.

2-расмда турли қуриштиш температурасида пахта компонентлари намликлари фарқи келтирилган бўлиб, улардаги бошланғич фарқлар қуриштиш жараёнида аҳамиятли даражада ўзгармаслигини кўрсатди.

Демак тозалаш ва жинлаш жараёнларида чигит ва тола турли хил намликларда механик таъсирда бўлади. Механик шикастланишни камайтириш учун чигит намлигини технологик жараёнларда оптимал қийматларини аниқлаш эҳтиёжи мавжуд.

Олинган натижаларни регрессия тенгламалари олинди.

Чигит ва пахта намликлари фарқи тўғри чизик қонуниятини билан ўзгариши аниқланди.

$$y = 0,0000217x + 1,36$$

Пахта ва тола намликлари фарқи

$$y = 0,00012x^2 - 0,0177x + 3,39$$

Чигит ва тола намликлари фарқи

$$y = 0,000144x^2 - 0,0218x + 4,7$$

2-расмда қуриш бир текислиги (2) формула бўйича аниқлаб олинган график келтирилган бўлиб, унда P қиймати 0,48 дан 0,72 гача ўзгариши, яъни тола намлигини пахта намлигидан фарқи 28% дан 52% гача, бўлиши кузатилди.

Олинган натижаларда қуйидаги хулосалар қилинди.

1. Қурилган пахта компонентларини намликлари фарқи аҳамиятли даражада бўлиб, технологик жараёнларда ушбу фарқни йўқотиш имконияти йўқлиги аниқланди.

2. Пахта, тола ва чигит намликларини пахтада ҳар хил қийматга эга бўлиши, уларнинг физика-кимёвий, иссиқлик намлиги ва гигроскопик хоссалари турлича

бўлишдан келиб чиққан бўлиб қуриштиш жараёнида намлик фарқларини ахамиятли даражада ўзгартириш имкониятлари камлигини кўрсатди.

3. Пахтани 100-130⁰С температурада қурилганда тола ортикча қуриб кетмаслиги аниқланди, юқори намликдаги пахталарни ҳам 130⁰С гача температурада икки қарра қуриштиш ҳисобига пахта компонентлари намликлари фарқини камайитириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш эҳтиёжи мавжудлиги таъкидланди.

Refrence.

1. Tuychiev T.O., Madumarov I.D., Mardonov B.M. Investigation of the process of release of dirt impurities in the zone of interaction of it with a netlike surface // European Science Review. Vienna,- 2017. - №9-10 (279). -P.208-210.

2. Parpiyev A.P. Osnovi kompleksnogo resheniya problem soxraneniya kachestvo volokna i povisheniya proizvoditelnosti pri predvaritelnoy pererabotke xlopka-sirsa:Dis...dok.texn.nauk. -Kostroma,1988. - 438s.

3. Ibrogimov X.I. Sovershenstvovaniye teorii i texnologii podgotovki xlopka-sirsa k protsessu djinirovaniya dlya soxraneniya prirodnix svoystv volokna i semyan // diss. texn. nauk. – Kostroma. – 2009. – 354 s.

4. Ruzmetov R., Madumarov.I.D., Mardonov B.M., Tuychiyev T. Modeling of heat exchange processes betweyen raw cotton and cooalant in a screw drum. Evropean science review, 2018, №5-6, pp. 335-338.

5. Madumarov I.D. Paxtani issiqlik-namlik holatini muqobillashtirish va bir tekis ta'minlash asosida tozalash jarayonining samaradorligini oshirish // texnika fanlari doktori (DSs) dissertatsiyasi. Toshkent. 2019. 190 b.

6. Kayumov A. X. Povisheniye ravnomernosti sushki komponentov xlopka-sirsa putem optimizatsii temperaturnogo rejima // Diss. na soiskaniye uchenoy stepeni. k.t.n. Tashkent. 1994. 177 s

7. Bannikov G.V. Issledovaniye sushki xlopka-sirsa v sushilkax barabannogo tipa pri yego pervichnoy obrabotke. Diss. kand. texn. nauk. Kostroma. 1963g.

8. Kayumov A. X. Paxtani quritish jarayonini modellashtirish asosida tola sifatini yaxshilash // texnika fanlari doktori dissertatsiyasi. Tashkent. 2020. 241 s

9. Kayumov A.X., Paxta va tolaning qurish tezligining taxlili // “O‘zbekiston Respublikasida to‘qimachilik, paxta tozalash va yengil sanoat korxonalarida jahon talabiga mos ravishda mahsulot ishlab chiqarishda texnika texnologiyalarning ahamiyati” mavzusida ilmiy anjuman materiallari to‘plami // Namangan. 24-25 may, 2016. 361-363 b.

10. A.X.Kayumov. The influence of drying regimes in moisture of raw cotton and its components. Journal of Textile Science & Engineering, USA, 2017. –R. 1-4.

11. Parpiyev A.P., Mardonov B.M., Usmankulov A. «Тепло i massoobmenniyе protsessi v xlopke-sirtse i yego komponentov» // Tashkent, «Fan va texnologiya», 2013, 219 str.

12. Gulyayev R.A. Metodi sozdaniya kompleksnoy texnologii uvlajneniya xlopka-sirsa i xlopkovogo volokna na xlopkoochistitelnix zavodax. Diss. doktora texn. Nauk. Tashkent. 2016. S.223.

13. Gulyayev R.A. Nazirov R.R. Lugachev A.YE. Razrabotka texnologii uvlajneniya xlopka-sirsa // MNK «Novoye v texnike i texnologii v tekstilnoy i legkoy promishlennosti», Vitebsk 25-26 noyabrya 2015 goda

14. R.A.Gulyayev, A.YE.Lugachyov, B.M.Mardonov. Chigitli paxta namligining tola chiqishi va uning sifat ko‘rsatkichlariga ta’sirini o‘rganish bo‘yicha tajribaviy tadqiq qilish natijalari To‘qimachilik muammolari ilmiy-texnikaviy jurnali. №2, 2013, 27-30 b.

15. Paxtani dastlabki ishlashni muvofiqlashtirilgan texnologiyasi (PDI-2017) Toshkent “Paxtasanoat ilm” markazi 2017.

АЛГОРИТМ ОЦЕНКИ ВЛИЯНИЯ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И ОТРАЖЕНИЯ ПРОДОЛЬНЫХ ВОЛН ОТ ПОВЕРХНОСТИ РАБОЧЕГО ОРГАНА

М.Эргашов, Н.В Дремова., Х.Т Нуруллаева.
Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Annotatsiya. *Ishda qo'zg'almas qattiq jism sirtida sirg'anayotgan ipda plastik deformatsiyalar hosil bo'lishiga olib keluvchi turli to'lqinli jarayonlar masalalari ko'rilgan. Ipnining materiali sof plastik xossaga ega va uning deformatsiyalanish qonuni Prandtl diagrammasiga asoslangan deb olingan. Asosiy e'tibor qattiq jism (ishchi qism) sirtida bo'ylama to'lqinlarni o'zaro ta'sirlashishi va qaytishi masalasiga qaratilgan. Ko'rilgan masalalarning qo'yilishi va ipni o'zgarimas harakati, massaning saqlanishi qonuni, harakatning uzluksizligi, to'lqinlarda va ip chegaralarida o'rinli bo'lgan dinamik va kinematik shartlardan tashkil topgan tenglamalar tizimi keltirilgan. Olingan analitik yechimlardan bo'ylama va qaytgan to'lqinlar ta'sirida ipning taranligi va deformatsiyasi o'zgarishini baholash algoritmi sifatida foydalansa bo'ladi.*

Аннотация. *Рассматриваются задачи о скольжении нити по поверхности неподвижного твердого тела, с учетом различных волновых процессов, которые могут стать причинами возникновения пластических напряжений. Предполагается, что материал нити обладает идеально-пластическим свойством и закон деформирования материала описывается схемой Прандтля. Основное внимание уделяется взаимодействию и отражению продольных волн на поверхности неподвижного твердого тела (рабочего органа). Приведены постановка и основные уравнения стационарного движения нити, включающие в себя законы сохранения массы, непрерывность движения, кинематические и динамические условия, имеющие место на фронтах волн и на границах взаимодействия нити с твердыми телами. Полученные аналитические решения можно использовать в качестве алгоритма расчета натяжения и деформации возмущенных прямыми и отраженными продольными волнами областей нити.*

Annotation *Problems of thread sliding on the surface of a rigid body are considered, taking into account various wave processes, which can cause the appearance of plastic stresses. It is assumed that the filament material has an ideal plastic property and the law of deformation of the material is described by the Prandtl scheme. The main attention is paid to the interaction and reflection of longitudinal waves on the surface of a stationary solid body (working body). The formulation and basic equations of the stationary motion of the filament are given, including the laws of conservation of mass, continuity of motion, kinematic and dynamic conditions that occur at the wave fronts and at the boundaries of the interaction of the filament with solids. The obtained analytical solutions can be used as an algorithm for calculating the tension and deformation of the regions of the thread perturbed by straight and reflected longitudinal waves.*

Введение. Как известно, обрывам текстильных нитей предшествуют различные физические, механические и другие явления. Одним из таких явлений являются разупрочнение материала нитей, происходящее под действием динамических, а иногда и статических нагрузок. Разупрочнение и обрывность нити являются одними из самых негативных явлений, приводящих к потере качества выпускаемой продукции и регулярным остановкам технологических процессов и машин. Разупрочнение нити в технологических процессах, прежде всего, связано с перераспределением крутки, относительным сдвигом и потерей прочности отдельных волокон и т.д. Очевидно, что степень разупрочнения в различных нитях имеют свои показатели и зависят от таких факторов как, например, физико-механические свойства материала (волокон), технологические свойства нити (способы прядения и кручения, длина волокон,

структурные строения элементов длины и поперечного способа и повторности внешних нагрузок и т.д.)

В текстильных нитях, подверженных многократным статическим и, особенно, динамическим нагрузкам, появляются относительно больше, чем, например, в аналогичных стержнях пластические деформации растяжения. В дальнейшем пластические деформации становятся причиной интенсивной потери прочности и технологических свойств большинства нитей. Более того, предел прочности материала нити может меняться с каждым случаем нагружения. В связи с этим, обычно исследуют только текущие прочности материала нити. На текущую прочность нити в технологических процессах и в период эксплуатации существенно влияют, прежде всего, закон деформирования материала, способы приложения и интенсивность динамической нагрузки.

С точки зрения механики, обрывы нитей происходят в тех локальных участках длины нити, где натяжение превосходит свое допустимое (разрывное) для данного сечения значение. В текстильной промышленности в качестве допустимого значения принимают разрывную нагрузку.


Например, мгновенный переход закона деформирования от упругого на пластический режим может привести к большим потерям прочности, особенно около точек приложения нагрузки, отражения и взаимодействия волн.

Современные текстильные машины являются быстроходными и при взаимодействии с рабочими органами происходят непрерывные или скачкообразные изменения натяжения нити. Очевидно, что скачкообразные возрастания натяжения могут привести к обрыву или появлению пластических деформаций в материале нити.

Одним из физических явлений, приводящих к непрерывным или скачкообразным изменениям натяжения нити, является распространение динамических нагрузок в виде продольных и поперечных волн [1]. Волновые нагрузки, могут привести к скачкообразному (мгновенному) возрастанию натяжения нити до удвоенного значения. Под действием волновых нагрузок, распространяющихся вдоль или против направления крутки, в поперечных сечениях нити возникают различные напряженные состояния [1–11].

Установлено, что в зависимости от направления распространения волновые нагрузки могут способствовать раскручиванию или закручиванию нити [7, 8]. Оба эти эффекта являются негативными, так как количество крутки, например, на каждый погонный метр текстильной нити устанавливается действующими стандартами, и отклонение от этих норм приведет к потере качества и прочности нити.

Общая постановка задачи. Согласно теории распространения волн, если, например, по левому концу линейной и горизонтальной первоначальной нити нанести продольный удар (рис. 1а), то действия удара вдоль нити будет распространяться со скоростью звука в данной среде [1]. При этом, если правый конец нити жестко закреплен, то за фронтом отраженной волны натяжение удваивается, т.е. натяжение прямой волны скачком возрастает в два раза (рис. 1б). Если правый конец нити может свободно двигаться, то за фронтом отраженной волны натяжение равняется нулю (рис. 1 в).



В работах [2-4] показано, что, если, например, к левому концу линейно упругой нити, изображенной на рис. 1а мгновенно приложить постоянную по времени растягивающую силу, то скачкообразное возрастание нагрузки будет продолжаться до 8 – 12 кратного отражения волны от левой и правой нити.

Рис. 1

